


НОСТРАДАМУС НИМА ДЕГАНДИ?

Туш таъбирлари,
башоратлари



«Fan va texnologiya» нашриёти,
2007 йил

86.42

Нострадамус нима деганди? (Оммабоп нашр).


Т., «Fan va texnologiya», 2007, 76 бет.

Тўпловчи ва таржимон: Иброҳим Қўзиёв

Хурматли китобхон!

Буюк соҳибкаромат Мишель де-Нотрдам Нострадамус гарчанд XVI аср (1503 – 1566 йиллар)да яшаб ўтган бўлса-да, 2242 йилни ўз ичига олган даврларда кечадиган воқеалар, тарихий шахслар ҳақидаги башоратлари билан шу вақтгача дунё афкор оммасини ҳайратга солиб келмоқда. Дарҳақиқат, унинг кўпгина башоратлари ҳаётда ўз аксини топаётганлиги айни ҳақиқат.

Ушбу рисоладан жой олган Нострадамуснинг башоратлари ва турли туш таъбирлари нафақат ўтмишга дахлдор бўлибгина қолмай, балки келажак ҳақида сўзлаши билан ҳам диққатга сазовордир. Келажак ҳақида олдиндан хабардор бўлиш эса, ҳаммани қизиқтириши шубҳасиз. Ушбу рисола ни ўқир экансиз, келажакда инсониятни нималар кутаётганлигини, кўрадиган тушларингиз таъбири ҳар доим ҳам беиз эмаслигини билиб оласиз.



ID 33843
291

ISBN 978-9943-10-078-7

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2007

© «Дизайн-Принт» МЧЖ ЎИЧК

АСРЛАРНИ КЎРА ОЛГАН САҲИБКАРОМАТ

Қадимдан илми нужум (астралогия) фани ривожланган бўлиб, бу фан соҳиблари юлдузлар ҳолатини кузатиш йўли билан Заминда рўй берадиган ҳодисаларни, инсонларнинг тақдирларини башорат қилганлар.

Бу ўринда XVI асрда яшаб ўтган француз соҳибкаромати Мишель де-Нотрдам Нострадамуснинг ўрни беқийс. Чунки унинг 1555 йилдан 1797 йиллар ораллиғида бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги башоратларининг шу давиргача бўлган қисми 95 фоизгача тўғри чиққанлиги диққатга сазовордир ва илмий қимматга эгадир.

Дарҳақиқат, ўтмишдаги башоратчилар XX асрни турлича талқин қилсалар, Нострадамус шундай ёзади: «Инсоният Худони унутиб, темир ўйинчоқларга берилиб кетишади. Миясиз тентаклар истилоси туфайли инсонлар қалбидаги Аллоҳга ибодат қилиш ҳисси кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бемаъни туйғулар билан алмашинади. Темир қушлар ҳайқирғи бўшлиқларни тўлдиради. Одамлар тилсимли ойна ихтиро этадилар ва у орқали узоқ масофадан туриб, бир-бирлари билан мулоқотда бўладилар, бир-бирларини кўра оладилар. Усти ёпиқ арава амфибиялар Заминни чулғаб олган темир ўргимчак инлари бўйлаб юришади. «Дўзах олови» ва буг ёрдамида ҳаракатланадиган темир одамлар пайдо бўлади. Кўплаб юлдузлар ёруғлик (оптик) кўзлари ёрдамида кашф этилади. Темир ўйинчоқлар кўпайгани сайин, урушлар сони ҳам ортиб боради, инсоннинг тарқоқлиги ошади, у истибод домиди яна батарроқ эзилади, одамлар табиатдан тобора узоқлашадилар, ўз навбатида, табиат ҳам одамзотдан даҳшатли ўч олади. Ҳаво ва ер заҳарланади, бир қанча денгизлар қуриб қолади, кўллар ботқоқликка айланади».

Нострадамуснинг башоратлари бўйича юксак маънавиятга эришган янги жамият эрамининг тўртинчи минг йиллигидагина тўлиқ шаклланади. Бу ўта қувонарли ҳодиса, лекин афсуски, буни яна минг йил кутишга тўғри келади. Улуғ соҳибкароматнинг башоратлари V аср муқаддам битилган бўлишига қарамай, ўз ифодасини топиб келадиганлиги бутун инсоният аҳлини лол қолдирмоқда, баҳс, мунозаралар ҳали-ҳамон давом этаётир.

Нострадамус туш таъбирлари ҳақида ҳам мўъжизакор фикрлар билдирган. У туш таъбирларини ўзи яшаган давр нуқтаи назарида таърифлаган бўлса-да, ҳозирги замонамизда бўладиган воқеа-ҳодисалар билан боғлайди. Уларнинг қанчалик ҳаётга яқин ёки яқин эмаслиги туш кўрувчининг ўзига ҳавола. Бироқ шунга аминмизки, Нострадамуснинг келажак ҳақидаги башоратлари деярли ҳаётда рўй бераётган экан, тушларга келтирган таъбирлари ҳам ҳаётда ўз аксини топаётганлиги ҳақиқатан узоқ эмас.

Шундан келиб чиқиб, қўлингиздаги ушбу рисола, Сиз азиз китобхонларнинг севимли, маънавий мулкингиз бўлиб қолиши шубҳасиздир.

І ҚИСМ

ТУШ ТАЪБИРЛАРИ

ФАРИШТА

Тушда фаришгани кўриш — тинчлик ва хотиржамлик аломатидир. Вақти келиб бутун инсоният бахтли яшайди.

Агар тушингизда ўзингизни фаришта қиёфасида кўрсангиз, билингки, бундай туш сизнинг яқинларингиздан бири ёрдамингизга жуда муҳтож ва сиз унга ёрдам бера оласиз.

Тушингизда фаришта сизни осмонга чорлаётган бўлса, бундай туш сиз ёки яқинларингиздан бирига оғир касаллик хавф солаётганлигидан огоҳ этади.

Агар тушда фаришталар яшаётган шаҳар кўринса, бундай туш сизнинг ҳаётингиз келгусида қандайдир сабаблар билан Тайвань деб аталувчи («Тайвань» - «фаришталар шаҳри» деган маънони билдиради) чиройли давлат билан боғланишдан далолат беради.

АРМИЯ

Маълумки, армия қудрат, муқаррарлик тимсоли.

Тушда ўзини армияда хизмат қилаётганини кўриш — ўнгда ишингизда жиддий қийинчиликларни ўтказиш, эҳтимол сизни жуда қаттиққўл ва талабчан кишининг таъсирига тушиб қолишингиз мумкинлигини билдиради.

Улкан қуролли армияни тушда кўриш босқинчиликни, асоратга солишни аён этади.

Агар тушингизда сиз армияга хизмат қилишга чақирилаётган бўлсангиз — бу сизнинг узоққа чўзиладиган низо қатнашчиси бўлиб қолишингиздан далолатдир.

Душман армияси билан жанг қилиш — масъул қарорга келиш аломатидир.

Тушда мағлуб бўлган душман армиясини кўриш — ўнгда ўзингиз кўзлаган натижага эришиш учун ҳар ишга тайёр эканлигингизни билдиради.

Агар сизнинг бутун бошли армияга қўмондонлик

қилаётганлигингиз тушга кирса — бу, демак, атрофингиздагиларга ўзингиздаги имкониятларнинг ҳаммасини ишлатмаётганлигингизни кўрсатиб қўйиш истаги сизни қамраб олганлигидан далолатдир.

Тушингизда сизга армия генерали қўмондонлик қилса, ўнгда эътиборли бир кишининг сизга ҳомийлик қилишига ишонаверинг.

МИНОРА

Билингки, минора қудрат, ҳокимият тимсолидир.

Жуда юксакликка чўзилган, учи чўққили минорани тушда кўриш — туш кўрувчининг ҳокимият эгаси бўлишидан, бироқ ундан эҳтиётсизлик билан фойдаланишидан дарак беради, шунингдек, у ўзининг кучига ортиқча баҳо бериб, рақибининг кучига етарли баҳо бермаслигини, таъсирининг камайиб, кўпчиликнинг қўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлишини билдиради.

Яқинлашишнинг иложи йўқ минорани тушда кўриш — жуда муҳим шахс, сиёсий арбоб ёки молия магнати билан учрашувдан далолат беради.

Асоси мустақкам минора тушга кирса, бу қудрат ва катта эътибор белгисидир.

Емирилиб бораётган минорани тушда кўриш сиёсий ва бошқа йўналишларда катта ўзгаришлар аломатидир.

Куролли кишилар томонидан ишғол қилинган минорани тушда кўриш, катта эътиборга эга турли лагерлар ўртасидаги тўқнашувлар, маълум асоратлар қолдирадиган рақиблар ўртасида кураш аломатидир.

Шинакли минора тушга кирса, бу қўрқитишга, сўзсиз бўйсунтишга асосланган ҳокимият тимсоли, тажовузкорлик белгисидир.

ЖИННИ, ТЕНТАК

Тушда ақлсиз одамни кўриш — бундай туш бошқаларга хавф соладиган хатарни уларга нисбатан анча олдин хабардор бўлишингиздан далолат беради, бинобарин, бошқа кишиларнинг тақдири сизнинг ҳаракатингизга боғлиқ бўлади.

Жиннини даволаш — ўнгда бахтсизлик қурбонларидан бири бўлишдан далолат.

Агар тушингизда оломон тентакни мазах қилиб турганини кўрсангиз, бу сизнинг эҳтиёткорлигингиз ва маълумотларингиз эътиборга олинмаслиги, натижада, фалокатнинг олди олинмай, кўп қурбонлар бўлишини билдиради.

БОТҚОҚ

Агар тушингизда ботқоқликдан кетаётганингизни кўрсангиз, билиб қўйингки, ўнгингизда шахсий муаммоларни ҳал қилишда кутилмаган тўсиқларга дуч келасиз.

Ботқоққа чўкаётганингиз тушингизда кўринса, демак, ўнгда дўстларингизнинг хиёнаткорлиги ва сотқинлиги туфайли қаттиқ изтироб чекасиз.

ЁҒОЧ ИМОРАТ ЁКИ ҒҶЛА ТАХЛАМИ

Ёғоч иморат ёки ғўла тахлами ҳокимият, беқарорлик, ҳомийлик, ҳасадгўйлик тимсоли.

Тушда ёғоч иморат ёки ғўла тахламини ўлчаб кўраётган бўлсангиз — ўнгда ўз қарорингизнинг тўғрилигига шубҳаланишингизни билдиради.

Агар тушингизда ўзингизни шохона ёғоч иморатда кўрсангиз — қашшоқлик ва нотавонликдан далолатдир. Сохта дўстдан эҳтиёт бўлинг.

Бошида ёғоч тахламини кўтариб турган кишини тушда кўриш — бадавлат ва эътиборли кишининг дўстлигига ва ҳомийлигига эга бўлишингизни билдиради.

Боши билан ёғоч тахламига қулаганини туш кўриш қораниятли кишиларнинг фитнаси ва ҳасад қилаётганлигидан далолат беради.

Баланд жойда ётган ғўла тахлами ҳокимиятнинг ағдарилишини билдиради.

ВИНО

Вино — осуда ҳаёт, хўжалик, хотиржамлик, иллат аломати.

Тушда бошқа озиқ-овқатлар билан бирга вино ва унинг ёнида қурол ётганлигини кўриш — бу мамлакатда аждодлар анъанаси — меҳмондўстлик равнақ топиб тураркан, тинчлик ҳам барқарор бўлиб туриши аломатидир.

Ялтироқ бокалда оч пуштиранг винони туш кўриш — расмий хизмат ходимлари томонидан рухсат берилган ва ҳеч ким шубҳаланмаслиги учун таниш кишилар томонидан уюштирилган ёмонлик, алдов, заҳарлаб ўлдиришни билдиради. Бунда, айниқса, ўзига қарама-қарши жинсдаги киши билан бўладиган «ёқимли» танишувдан эҳтиёт бўлиш керак.

Улкан тоқларни ва малла сочли бақувват эркаклар томонидан вино тайёрланаётганлигини тушда кўриш — Германия билан қон-қариндошлик алоқаси борлигини ва ушбу тарихий мамлакатга кетиш имконияти мавжудлигини, у ерда омад ва эсон-омонлик, моддий серобгарчилик ва маҳаллий анъаналарга риоя қилишлар равнақ топиши кутаётганлигидан далолат беради.

Вино тўлдирилган қадимий катта кўзалар тушга кирса — тез орада сизнинг онгингиз ва қалбингизни эгаллаб оладиган масалани ҳал этишингиздан кўра муҳимроқ ҳолат ҳақида бош қотиришингизга тўғри келади, бироқ бу бор-йўғи ўтган авлодларингиз вакиллари билан алоқа ўрнатилшингиз ва шажарангиз ҳақида маълумот олишингиз мумкинлигини билдиради.

Винодан заҳарланган кишини тушда кўриш, бу сизга шу киши омад олиб келиши аломатидир. 2001 йилдан бошлаб тасодифий бахт серобгарчилигига тайёр тулинг.

Вино дарё бўлиб оқаётгани ва ундан ёввойи ҳамда уй ҳайвонлари ичиб дарё қирғоғида кучсизланиб йиқилаётганликлари тушда кўринса, бу ёз мавсумида тадбиркорлик учун ҳар замонда келадиган энг қулай пайт аломатидир, чунки турли тоифадаги кишилар тинчликсеварлик кайфиятида бўладилар ва ўзаро келишиб қарорларини қабул қиладилар.

Агар тушингизда олтин қадаҳда вино ичаётган бўлсангиз,

Ўнгингизда ўзингизнинг хом хаёлларингизга берилиб кетиб, ҳақиқий дунёдаги алоқаларингизни йўқотасиз.

Тушингизда винони кийимингизга тўкиб юборсангиз — ўнгда сизнинг моддий фаровонлигингизга боғлиқ бўлган кишига нисбатан муносабатларингизда акс этадиган ўйламаган қарорга келасиз.

Агар винога чўкиб кетаётган бўлсангиз, бу мажбурий ёлғизликни аён этувчи тушдир.

Тушингизда сизни вино билан сийлашаётганини кўрсангиз — сизга фақат зиён келиши белгисидир ва сизга ёмонлик соғинувчиларга муваффақиятсизлигингиздан хурсанд бўлишлари учун сабаб бўлади.

СУВ

Сув — ҳаёт тимсоли.

Агар тушда катта шар ичида тоза шаффоф сув кўрсангиз — бу туш қишлоқ хўжалиги ишларига кўп фойда келтирадиган яхши об-ҳаво бўлишидан дарак беради.

Тушда сув ичаётиб идишнинг тагидаги пашшага кўзингиз тушса — бу ўнгда жамиятнинг кайфиятини, эртанги кунга ишончини ўзгартириб юборадиган суд жараёнини, судлашишни ёки туҳматни билдиради.

Сув остида сайр қилиш ва дельфинлар билан суҳбатлашиш — бундай туш сизнинг илгари миллатга номаълум бўлган янги дунёни очишингиздан далолат беради.

Кучли мавжланаётган сувни тушда кўриш — бу янги кашфиётлар ва мураккаб тажрибаларни амалга ошириш учун янги таълимот ёки фан, қулай давр вужудга келганлигининг аломатидир.

Қонли сувни тушда кўриш Ақраб буржи остида улуг инсон бўлиб етишадиган ва ўзи ҳақида ҳаммага билдириб кўядиган киши туғилишидан далолатдир.

БЎРИ

Бўри — шафқатсизлик, довжораклик, ҳаётга эмас, ўлимга очикдан-очик курациш, эрксеварлик ва эркинлик тимсоли.

Агар бўрини тулки билан уришаётгани тушда кўринса —

бу узоқ давом этадиган очиқ қарама-қаршилик аломатидир.

Қора юнгли бўрини тушда кўриш — бу ўзгарувчан одамнинг кирдикори туфайли кўпчилик тинч ҳаётининг бузилиши ва уларнинг бу балодан қутулиш ва ёрдам бериши учун худодан сўрашга мажбур бўлишларидан далолатдир.

Қўй терисидаги бўрини тушда кўриш — ўнгда хиёнаткор шерик тайёрлаган хуфиёна қабихлик белгисидир. Бундан, айниқса, товуқ йилида эҳтиёт бўлиш керак бўлади.

Одам қўлидан овқат олаётган бўри — ўнгда минглаб кишиларни узоқ вақт қўрқувда ушлаб турган маньяк(савдойи)нинг қўлга тушиб ҳукм қилиниши ва зарарлансизлантирилишини билдиради.

ОЧЛИК

Агар очликдан кўп одам ўлаётганлигини тушда кўрсангиз — бу бемаъни аломат. Эҳтимол келгусида кишилар учун қайтарилмайдиган асоратларга олиб келувчи ҳодисалар рўй бериши мумкин.

Агар тушингизда қаттиқ очликни ҳис қилсангиз — ўнгда сизнинг обрўйингиз қарама-қарши жинс ва кишининг сизга кераксиз эътибори туфайли хавф-хатар остида қолади.

Тушингизда яқин кишиларингиздан бири очликдан ўлаётган бўлса, ўнгда воқеаларнинг кутилмаганда ўзгариб кетиши аломатидир.

Сизнинг оч қолганларни тўйғазиб учун уринаётганингиз тушда кўринса, бу маънавий камолотга интилишни билдиради.

Агар тушингизда сизни кимдир очдан ўлишдан сақлаб қолаётган бўлса — ўнгда сиз ўзингиз кутмаган одамдан кутилмаган ёрдам оласиз.

МАҚБАРА

Мақбара — бу даврлар боғланиши тимсоли.

Тушда бир вақтлар ўтган улуғ ва машҳур кишиларнинг мақбарасида ўзингизни кўриш — бу сизни машҳур қиладиган ёки ҳаётингизга жанжаллар оқимини олиб кирадиган меросга эга бўлишингиздан дарак беради.

Мақбаранинг емирилишини тўхтатиш ва бартараф қилиш — ҳаётий муҳим аҳамиятга эга сирга ўзингизни бахш этувчи бўлишингиздан далолатдир.

Қабрни қидириш — бу ўтмиш билан боғлиқ маънавият таркиб топиши, ўзгариш, ҳақиқатнинг юзага келишини аён этади.

Яқиндагина турган бино ўрнида мақбара пайдо бўлганлигини туш кўриш яшаш жойини ўзгартиришдан, бошқа мамлакатга кўчиб ўтишдан, аждоглари ўтган ватанга қайтишдан дарак беради.

Олов билан қурналган мақбарани туш кўриш, бу жин-алвастилар билан тўқнашиш, кўз тегишлардан сақланиш, кишилар устидан ҳаддан ташқари ҳукм юргазаётган қора кучларни яқсон қилишга ҳаракат қилишни билдиради.

Мақбарани сув босган ҳолда кўриш — насл ва насабларга боғлиқ сирларнинг очилишини ва барча тафсилотларни аниқлашга қаратилган узоқ сафар олдинда турганлигидан далолат беради.

БАЛЧИҚ

Балчиқ — бойлик, қизғин фаолият, воқеаларга тўлалик, гийбатлар аломатидир.

Тушда ўтиб бўлмас балчиқни кўриш — бу кишиларнинг боши ва жисми омадсизликдан дармони қуриган номуносиб бир пайтда ёғилиб келадиган қуюқ булут, оғир давр ва касалликлар белгисидир.

Агар тушга балчиқ босиб ётган шаҳар кирса — бу нафақат моддий қийинчиликларни келтириб чиқарадиган, балки йўлбошчиларнинг ўлими ёки ишдан бўшатилишига сабаб бўлиб қоладиган табиий офатлар, қуюн довулни билдиради.

Балчиқда ётган тилла тангани тушда кўриш — ўнгда кўндан-кўп авлодлар томонидан топилган моддий бойликни сарфловчи ва ўз бошқарувида чексиз шухратпарастликни намойиш этувчи номуносиб кишининг сажда қилиши ва хурматидан далолат беради.

Тушда ўзига балчиқ чаплаётган кишини кўриш — ўнгда кишиларни қийнайдиган касаллик белгиси бўлиб, унга дори-

дармон йўқлиги учун ва кишилар табиий кучлар ёрдамида даволаниш учун шаҳарлардан кетадилар.

Ликопчадан балчиқ ағдараётганликни тушда кўриш — бойлик ва умуман гуллаб-яшнаш, беташвишлик ва таъминланганлик даври бошланганлигидан далолатдир.

Агар тушда болалар балчиқда ўйнаётганликлари кўринса, бу шаҳарларнинг ўзларидан ҳаёт шакллари йўқотиши натижасида одамларнинг табиатга яқинлашишни хоҳлаб қолганликлари белгисидир.

Кўлдаги лойни ювишга уриниш — бу катта пул, бойлик, ишдаги омаддан далолатдир.

Агар тушингизда лойни босиб олганингизни кўрсангиз — ўнгда сизнинг заифлигингиз ҳар хил овозалар ва уйдирмаларга сабаб бўлади.

Балчиққа қулаб тушиш — сизнинг ўйламай қилган ҳаракатингиз яқинларингиз билан жанжаллашув сабаби бўлади.

Либосни балчиқ билан булғаниши — туҳмат ва ифводан далолатдир.

Пойабзалингиз лой бўлганлигини тушда кўрсангиз душманлик ва орага совуқлик тушишини билдиради. Вазмин бўлинг, жанжалга кириб қолишингиздан эҳтиёт бўлинг.

Балчиққа булганган кийимни ювиш — сизнинг обрў-эътиборингиз хавф-хатар остидалигини билдиради.

ЙЎЛ

Тушда бўш кўча бўйлаб бораётганлик — ҳақиқий ҳаётда сиз ниманидир жон-жаҳдингиз билан яшираётганлигингиз белгиси. Бу беҳуда. Фақат қандайдир одамнинг ишингизга аралашувигина сизга ёрдам беради.

Тушда йўл қуриш — келгусида сиз буюк кашфиёт қилиб, кўп кишиларнинг ҳурматини қозонишингизни билдиради. Агар сизнинг ёрдамчиларингиз кўп эканлиги тушга кирса, бундай туш унча узоқ вақт ўтмасдан номаълум, жуда бой ер очилишини билдиради.

Бирваракай учта параллел йўлни тушда кўрсангиз, бу

сизнинг айбингиз билан автомобил тўқнашуви содир бўлишининг аломатидир. Ушбу тушдаги 3 рақамини турли йўллар билан изоҳлаш мумкин: 1) у тўқнашув пайтида жабрдийдалар сонини англатиши мумкин; 2) тўқнашувда 3 та машина бўлган бўлиши мумкин; 3) авария чорраҳада содир бўлади.

Тушда эгри-бугри йўлни кўриш — бу сизнинг келгуси ҳаётингиз барқарор бўлмаслигидир. Эҳтимол бундай туш сиз яшаётган давлат ҳокимиятининг тепасида тажрибасиз киши турганлигини билдиради. Бу раҳбар аста-секин давлатни қулаб тушишига олиб келади, чунки у иқтисодиёт ва сиёсатда мутлақо ҳеч нарсага ақли етмайди.

Тушда чанг-тупроқли кўчадан бораётганликни кўриш — келгусида сизнинг бемаъни одамлар таъсирига тушиб қолишингиз, улар сизни ўз мазҳабларига киришга ундаб уринишларидан гувоҳлик беради. Агар сизга тупроқли кўчада кўп кишиларни кетаётгани туш кўринса, бу туш келгусида дунёда йирик ва жуда эътиборли мазҳаб пайдо бўлиб, унга иложи борича кўп кишиларни алдаб жалб этишларини билдиради.

Тушда тор кўчани кўриш — яхши аломат. Сиз тўғри йўлдан, гарчи у бошқа кишиларнинг йўлидан фарқ қилса ҳам кетаяпсиз. Бундай туш сизнинг порлоқ, ўзига хос шахс, ўз ҳаётингизда катта муваффақиятларга эришинингиздан шохидлик беради.

Агар тош тўшалган кўчадан кетаётганингиз тушга кирса, бу сизнинг келгусида қандайдир ёмонлик қилиб, бундан бутун умрингиз давомида пушаймон қилишинингизнинг аломатидир. Сиз, ҳатто бу гуноҳингиз учун дўзахга тушинингизга ишонч ҳосил қиласиз.

ТУТУН

Тушда куюқ тутун кўриш — катта вулқон отилишидан дарак беради. Эҳтимол бу отилишдан вулқонга яқин аҳоли пунктлари зарар кўради.

Агар тушингизга қора тутун кирса, демак, вақти келиб

кишиларнинг катта қисми никотинга бутунлай қарам бўлиб қолади. Тамакига қарамлик шундай даражага етадики, зўрлаб даволашга талаб пайдо бўлади.

Агар тушингизда тутун кўзингизни қоплаб олган ва нафас олишингиз қийинлашиб бораётганини кўрсангиз, бу ёмон аломат. Эҳтимол келгусида катта ёнғин содир бўлади. Бу ёнғиннинг тутунидан кўплаб одамлар жабрланадилар: улар нафас ололмай қоладилар. Бир неча ҳафта мобайнида кўчада ниқобсиз юришнинг иложи бўлмай қолади.

Тушда дуд билан чиқаётган тутунни кузатиш экологик ҳалокатдан далолат. Шундай пайт келадики, Ерга кулранг булут тушиб, одамларга оғир касаллик олиб келади. Туш кўрувчига ҳам бу аломат жиддий дардга йўлиқишини билдиради.

Агар сиз тушингизда аланга билан чиқаётган тутунни кўрсангиз, унча узоқ бўлмаган вақт ичида Ерга қаттиқ қурғоқчилик хавф солади, оқибатда кўплаб ёнғинлар содир бўлади. Сизга бундай туш вақтингизни эски дўстларингизни дўстона кечасида ажойиб тарзда ўтказишингизни билдиради.

Кетаётган поезддан чиқаётган тутунни тушда кўриш — ўнгда кўплаб кишилар жабр кўрадиган жуда катта темирйўл ҳалокатини билдиради. Бундай туш кўрувчини нохуш саёҳат кутади. Эҳтимол, йўлда сиз билан қандайдир бахтсиз ҳодиса рўй берар: бунда поезд издан чиқиб кетади ёки самолёт портлаб кетади.

ЯККАШОХ

Яккашоҳ — тозалик, донолик, покланиш, ўлим тимсоли.

Агар тушингизда яккашоҳни тутмоқчи бўлиб ҳаракат қилаётган бўлсангиз, ўнгда сизнинг куч-қувватингиз ёмонликка қарама-қарши қўйилган бўлади.

Сиз яккашоҳни ушлашга муваффақ бўлиб, қўлга ўргатганингиз тушингизга кирса, бу сизга яқин кишининг қалби пок ва доно эканлигини аён этади.

Дарғазаб бўлган яккашоҳни тушда кўриш — ўнгда уятли қилмиш рўй беришидан далолат.

Яккашохни таъқиб қилаётган кишини тушда кўриш — бу кишининг ўлим билан мангу беркинмачоқ ўйнашидан шоҳидлик беради.

Агар тушингизда олтин яккашохни кўрсангиз — маънавий ва жисмоний покланиш, мустаҳкам соғлиқ тимсолидир.

ТЕМИР

Темир — уруш, қарама-қаршилик, душманлик, ҳокимият белгисидир.

Боши темирга мустаҳкамланган кишини тушга кириши — мамлакатда ҳокимиятга интилаётган майда гуруҳлар ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланишининг белгиси.

Қўлларида ҳар хил темир қуроллар бўлган болалар тушингизда кўринса — бу қуллик, ўзга юртлар томонидан мамлакатни босиб олинишидан далолат беради.

Темир зирҳли ҳашаротни мажақлашга уриниш — эътиборга эга пасткаш кишининг ўз ниятларини амалга ошира боришини, чунки у кундан-кунга ўз мавқеини янада кучлироқ мустаҳкамлаб боришини билдиради.

Агар тушда олтиндан кўра темир қиммат баҳоланаётганлиги кўринса, бу туш август ойида вақтинча тузилган сулҳнинг апрел ойида барбод бўлишини билдиради ва қуролларни шайлаш керак бўлади, чунки урушга тўла тайёргарликгина ҳар бир рақибнинг босқин қилиш ниятини тўхтатиб туриши мумкин.

ҲАССА

Сеҳрли ҳасса ҳар кишининг қатъият билан ҳаракат қилиши лозимлигини ва унга ҳақиқатнинг очилишини билдиради.

Ҳассани қўлда ушлаб туриш — фалсафий фикрлашни ва дунёқарашни билдиради.

Агар тушингизда сизни кимдир ҳасса билан ураётган бўлса — демак, ҳаётингизда бир киши пайдо бўлиб, сизнинг бутун ҳаётингизни ўзгартириб юборади.

Синган ҳасса ҳаётдан буткул кўнгил совишини билдиради.

Тушингизда ўзингизни тепаликда ҳасса билан ўтирганингизни кўрсангиз — ҳокимиятга махфий интилишингизни билдиради.

Агар тушингизга ҳасса ва ғўла тахлами кирса, бу чексиз ҳокимиятга эга бўлишингизни билдиради.

МАРВАРИД

Агар тушингизда марварид тақинчоқ кўрсангиз — бундай туш Ер юзасида ғайритабиий манзара пайдо бўлишини, бундай манзаранинг гувоҳи бўлганларнинг одатий турмуши бутунлай ўзгариб кетишини аён этади.

Тушда чиғаноқни очиб, унинг ичида марваридни кўриш — бундай туш кўшлаб кишиларнинг руҳий ҳолатини жиддий ларзага келтирувчи кутилмаган воқеалардан хабар беради.

Қора марварид тушга кирса — бу қўрқинчли аломат, қора кучлар келиши хавфи бор. Энг қўрқинчлиси, одамлар гипноз таъсирида ёки жоду воситасида ҳеч нарсадан шубҳаланмай ёвузликка одоб билан хизмат қиладилар.

Агар тушингизда ноёб марварид харид қилсангиз — бу сизда улкан имкониятлар мавжудлигини, кутилмаган пайтда, тўсатдан бўладиган ўзгаришлар таъсирида намоён бўлишини билдиради.

ҚУЛФ

Қулф — қатъиятсизлик, одамовилик, тўсиқлар, қаршилиқ аломати.

Агар тушингизда сиз эшикни қулфлаётган бўлсангиз, бу руҳан беҳафсалалигингизни ва муаммоларни ҳал этишдан чекинишингизни билдиради.

Бузуқ қулфни туш кўриш — дўстларингиздан бирининг хиёнат қилишидан далолат.

Тушда тешиксиз қулфни кўриш — сизнинг ўзингизга ҳаддан ташқари ишонишингизни, шунинг учун яқин вақт ичида муаммоларни тезликда ҳал этишга мажбур бўлмаслигингизни билдиради.

Агар тушингизда бошқача шаклдаги қулфни кўрсангиз — сиз қизиқ воқеаларнинг шоҳиди бўласиз.

Қулаб ётган қулфни тушда кўриш — демак, ўнгда сиз қандайдир сирни ёки башоратни очишингиз мумкин.

ЮЛДУЗ

Юлдузлар олис истак, олий билимнинг белгисидир.

Тушда учаётган юлдузни кузатаётган бўлсангиз, бу бахтли ҳаётдан, барча эзгу истакларингизнинг, ҳатто ўзингиз ишонмаган хоҳишларингизнинг рўёбга ошишидан башорат қилади.

Агар учаётган юлдузлар кўп бўлса, бундай туш келгусида Ер юзасида кучли дўл ёғиб, барча қишлоқ хўжалиги экинларини яқсон қилишидан дарак беради. Ердаги инсоният йил бўйи очарчилик кечиради.

Тушда алвон юлдузларни кўриш — келажакда Россияда ҳокимият тепасига бир ғайратли инсон келиб, давлатни вайроналикдан кўтариб, дунёдаги энг қудратли давлатга айлантиришни билдиради. Алвон юлдузлар Кремл юлдузларини билдиради.

Агар тушда кўплаб митти юлдузларни кўрсангиз, келажакда сиз АҚШдан қандайдир маълумот оласиз. Эҳтимол, бундай туш АҚШда рўй берадиган воқеа бутун дунёни ларзага келтириши аломатидир.

Агар сиз тушингизда юлдузлар томон учаётган бўлсангиз, сиз келажакда бошқа сайёрага борувчи космик экспедициянинг иштирокчиси бўласиз. Эҳтимол, бу туш бошқа сайёрада ҳаёт нишонаси мавжудлигидан башорат беради.

Тушингизда ёруғ кун ўртасида кўринган юлдузларни кўрсангиз — бу келажакда ҳокимиятга муносиб кишиларнинг келиши ва улар томонидан барча давлатлар ўртасида доимо тинчлик ўрнатилишига эришилишидан далolatдир. Барча халқлар тотувликда яшайдилар. Туш кўрувчига бундай туш обрў-эътиборли кишилар билан танишишини билдиради.

Агар сизга барча юлдузларнинг осмондан ғойиб бўлиши туш кўринса, бу қачонлардир коинотда жиддий ҳалокат юз беришидан шохидлик беради. Бунга эмирилиб бораётган

Фазтон сайёраси сабабчи бўлади. Унинг парчалари кўплаб сайёраларга аниқ хавф солади.

Тушда сувдаги юлдузлар шуъласини кузатиш — буюк кашфиётни аён этади. Одамга ўқшаш тирик мавжудотлар яшайдиган номаълум сайёра топилади. Туш кўрувчига бундай туш у шуғулланаётган соҳада буюк кашфиёт юзага келишини англатади.

Тушда жуда ёрқин юлдузни кўриш — қуёш янглиғ юлдузнинг топилишидан шохидлик беради. Айнан шу юлдуз узоқ келажакда Ер куррасини ёритади.

Агар тушингизда юлдуздан чиқаётган совуқликни ҳис этсангиз — бу доимий қиш аломатидир. Тўғрироғи, шундай пайт келадикки, Ер юзини бир неча минг йиллар давомида муз қоплайди.

Осмонда яккаю ягона, аммо жуда ёрқин юлдуз тушингизга кирса — бу ўн йилдан сўнг сизнинг тақдирингиз бошқаларнинг ичидан ажралиб чиқишини ва янги кашф қилинган сайёра каби аҳамият касб этишини аён этади.

Агар юлдузнинг қаттиқ учаётгани тушингизда кўринса — ўйланган лойяҳанинг жуда кўп йиллардан сўнг рўёбга ошишидан далолатдир.

Тушда юлдузлар учаётган жойда пайдо бўлиш — жуда кўпчилик тўсатдан дучор бўладиган ҳалокатдан далолатдир.

Тушда янги юлдузни кашф этиш — ўн марта ой тўлгандан кейин сизга қаттиқ таъсир кўрсатадиган қандайдир ҳолат юз беришини билдиради.

Юлдузли хариталарни ўрганиб, унга саёҳат йўналишларини белгилаётганлик тушга кирса — бундай туш экологик танглик кучайишидан ва алоҳида хавфли ҳудудлардан кўчиш кўпайишидан дарак беради.

КЎЗГУ

Кўзгу — иккиюзламачилик, сирларнинг аломатидир.

Тушда ўзингизни тасвирингизни ойнада кўрсангиз — бу кутилмаган хабар олишингиздан далолат.

Агар сиз тушингизда ойнани синдириб қўйсангиз —

01/69
ASB/4
Bekis on

Ўнгда сизга яқин кишининг хиёнати туфайли ташвишли кунларни бошдан кечирасиз.

Тушингизда кўзгу тасвирида маҳлуқни кўрсангиз, бу сизнинг ваъдаларингиз мунофиқона ва ўзингиз маънавий жиҳатдан тубан эканлигингизни кўрсатади.

Сирти хира катта кўзгу тушга кирса, бу фитна ва тухмат қурбони бўлиш аломатидир.

Кўзгуда ўз тасвирини кўрмаётганлик — ёмон аломат.

Ойна олдида фол очаётганликни туш кўриш — кўркув, шубҳа, ўз ҳолича қарор қабул қилолмасликни билдиради.

ИЛОН

Илон — одамнинг гуноҳга ботиши, ёвузлик, маккорлик тимсолидир.

Ер устида судралиб кетаётган илонни туш кўриш — 2001, 2013, 2025 йилларда ва сиз таъсирда бўладиган бошқа йилларда эҳтиёт бўлишингизни билдиради. Айнан шу йилларда уй-жойсиз ва моддий бойликларсиз қолишдек хавф таҳдид солади. Тўғрироғи, сиз дучор бўлган мусибатни бартараф этишга кўмаклашувчи киши ҳам ёнингизда бўлмайди.

Одамга яқинлашаётган заҳарсиз илон тушингизга кирса, ер куррасидаги қудратли давлатлардан бирининг тепасида турган одам заиф мамлакатга қарши уруш бошламоқчи бўлади, бироқ айни вақтда унга халақит бериш имконияти мавжудлигидан далолат беради. Туш кўрувчига бундай туш хавфни бартараф этиш имконияти мавжудлигини билдиради.

Агар тушингизда сизни заҳарли илон тишласа — сиз ўзингиз истамаган ҳолда жуда катта жанжал сабабчиси бўлиб қолишингиз мумкин, эҳтимол сизнинг айбингиз билан ёки сизнинг яқинларингиздан бирини айби билан сиёсий ўзгаришлар бўлиб ўтади.

Тушингизда агар катта илон киши бўйнини бўғаётган бўлса, демак, шу кишига хатар хавф солмоқда.

Қора, улкан илон туш кўринса, бу беқиёс ёвузликдан далолат беради.

Хассага ўралган илон тушингизда кўринса, ҳақиқатни яшириб турган ёвузликдан аён этади.

Ҳалқалар билан ўралган илон тушга кирса — бу сизга хуфиёна ёмон ниятдаги киши борлигидан далолат беради.

Агар тушингизда сизга илон ҳужум қилаётган бўлса, демак, мусибат ва муҳтожликни бошингиздан кечирасиз.

Тушингизда илонни ўлдирсангиз — ўнгда душманингиздан қутиласиз.

Бир неча бошли илон тушга кирса — огоҳ бўлинг, сиз гоят зўр алдовнинг қурбони бўлиб қолишингиз мумкин.

Туман ичида ғойиб бўлган илон шаклини тушда кўриш — ядро хавфи белгисидир, балки ядро ракетаси бўлиши ҳам мумкин.

Агар тушингизда илон сизга қараб турганини ҳис этаётган бўлсангиз, демак, сизга жуда эътиборли ва шафқатсиз одамлар тикилиб қараётган бўлади.

Тушда кулча бўлиб ётган илонни кўриш — ўнгда игво ва гийбат қурбони бўлиш аломатидир.

ТИШЛАР

Тишлар ҳаётини қувват, кечинмалар тимсолидир.

Тушингизда тишингизни қандай суғураётганликларини кўриш — ўнгда яқинларингиздан бирини йўқотишдан қўрқаётганингиз белгисидир.

Агар тушингизда тишингиз тушиб кетса — демак, сизнинг меровлигингиз ва ҳаракатсизлигингиз мақсадингизни амалга оширишга халақит берапти.

Тушда чириган ва емирилаётган тишларни кўриш — касалликларни, соғлиқда муаммолар пайдо бўлишини билдиради.

Оғзингизда тиш ўрнида бўшлиқлар борлиги тушингизда кўринса — бу ҳаётини қувватни йўқотиб, эрта қаришдан огоҳ этади.

Оғриётган тиш тушга кирса — бу сизнинг шахсий муаммолар билан шуғулланишингиз кераклигидан хабар беради.

ИГНА

Игна — кўнгилни оғриши, ҳақорат, яширин ўч олиш, маккорлик, авроқчилик, меҳнатсеварлик белгисидир.

Агар тушга янги қон излари бўлган игна кирса — бу туш қариндошларнинг ёмон ният қилаётганликларидан огоҳ этади.

Жуда узун ип ўтказилган игна тушга кирса — бу, бир кишининг ҳеч қандай сайловсиз ҳокимият тепасига келиб, узоқ вақт ўз хоҳишларини амалга ошириб, фуқароларни ўзига нисбатан ҳурматда бўлишига эришиши аломатидир.

Сочилиб ётган кўп миқдордаги игналарни тушда кўриш — маккорлик, ғийбат ва игво ҳаммани ёппасига қамраб олишидан ҳамда бу баъзи хушомадгўй бўлмаган шахсларни ҳалокатга олиб келишидан далолат беради.

Танасида пўлат игналар санчилганлиги кўриниб турган ҳайвон тушга кирса, демак, инсон ўзи шубҳаланмаган одамдан душман орттириб олишидан, у билан курашиш осон бўлмаслигидан, чунки душманни ташқи томони ер аҳлининг одатдаги қиёфасига ўхшамаган, ажратиб олиш қийинлигидан далолат этади.

Агар киши ўзидан игналар чиқиб турганини тушида кўрса, бу келажакда одамлар ичидан шундай кўнгилли чиқадики, у Ер юзини қоплаган ёмонлик гуноҳини ўз ўлими билан ювмоқ учун ўзини қурбон қилишини билдиради.

Агар игналар учи юқорига қаратилган ҳолда «Х» тарзда турганлиги тушда кўринса, бу аломат, ўн йил мобайнида одамлар яхши бўлишга, яхши ҳаётга эришишга интилишларини билдиради.

Киши юрагига санчилган игнани суғуриб олиш — имконият тараққиётини анча илгари сурадиган илмий кашфиётда бевосита иштирок этишни аён этади.

Тушда игналар ёмғирга тушиб қолиш — ўнгда қора кучларнинг фаоллашиб, инсониятнинг навбатдаги жиддий синовни бошдан кечиришга мажбур бўлишидан далолатдир.

ИКОНА

Икона маънавият, олдиндан кўра билиш, тавба-тазарру аломатидир.

Тушда агар сиз икона олдида ибодат қилаётганингизни кўрсангиз, демак, сиз моддий муаммоларга кўпроқ эътибор бериб, маънавиятни унутиб қўймоқдасиз.

Йиғлаётган иконани тушда кўриш — бемаъни аломат.

Агар иконани кўлда ушлаб турганингиз тушга кирса, демак, сиз кўздан буён кутаётган хабар оласиз.

Тушда сиз икона олдида шам қўяётган бўлсангиз, илгариги хатолар учун виждон азобидан қийналишингиз белгиси.

Йиқилиб ётган икона — маъгум хато тимсоли.

КАЛИТ

Калит муаммоларни ҳал этиш борасидаги изланишлар, муаммоларни бирмунча осон йўллар билан ҳал этиш истагини билдиради.

Тушда калит билан эшик очиб — келгусида барча билимлар соҳасида буюк кашфиётлар қилинишидан далолат беради. Эҳтимол вақт машинаси яратилиб, унинг ёрдамида кишилар ўтмишга ва келажакка саёҳат қилишар. Туш кўрувчига бундай туш унинг қийин аҳволга тушиб қолиб, ундан чиқишга ҳаракат қилишини билдиради.

Агар тушда калит топиб олсангиз — сизни буюк ишлар кутаётганлиги белгисидир. Тўғрироғи, сиз хизмат пиллапояларидан шундай кўтариласизки, оқибатда ўз оилангизни муҳтожлик кўрмай япашини таъмин этасиз. Эҳтимол, сиз шундай киши билан танишасизки, алал-оқибат сизнинг ҳаётингиз яхши томонга ўзгариб кетади.

Тушда калитни синдириб қўйиш, келажакда Ер курраси аҳлини коинотдаги ҳалокат ҳақидаги маълум хабар кутишидан шохидлик беради. Тўғрироғи, бу ҳалокатдан коинотдаги станциялар зарар кўради.

Агар калитлар боғлами тушингизга кирса, бу унчалик узоқ бўлмаган вақт ичида сизда кўшлаб мамлакатларга ажойиб

саёхатларга чиқишингиз имкони пайдо бўлади. Бу саёхат чоғида сиз вақтингизни яхши ўтказибгина қолмай, балки кўп янги ва қизиқ нарсалардан воқиф бўласиз.

Тушда иккита калит кўриш — воқсаларнинг кутилмаганда ўзгаришидан далолат.

Калитни йўқотиб қўйганликни тушда кўриш — ноқулай аҳволда қолганда кутилмаган ёрдамдан баҳраманд бўлишингизга ишора.

Агар белига калитлар боғлаб олган қария тушга кирса, бу инсоният олдида оғир синовлар турганлигини билдиради.

Тушда олтин калитни кўриш — сизнинг ҳақиқатни излаш йўлидаги ҳаракатларингиз хизматингизга яраша тақдирланади.

Агар тушингизда уйингизнинг калитларини излаётган бўлсангиз — ўнгда ўзингизнинг шахсий муаммоларингизни ҳал этишга ҳаракат қилишингиздан далолат беради.

ҚУДУҚ

Қудуқ — чексизлик, сирлар, соғломлаштириш, келажакни башорат қилиш аломатидир.

Тушда иссиқ чўлда қудуқни кўриш — самимий қалб эгаси бўлган кишини учратиш аломатидир.

Қудуқдан сув тортиб олаётганликни туш кўриш — ўнгда ўз қизиқишларингизни қониқтира олишингиз белгисидир.

Қуриб қолган қудуқ тушга кирса, огоҳ бўлинг. Саноат чиқиндилари билан зарарланган сув ҳаёт учун яроқли бўлмайди.

Агар тушингизда қудуқ сувига ювинаётган бўлсангиз, демак, узоқ давом этадиган ва дармонни қуритадиган касалликдан шифо топиб кетасиз.

Қудуққа тушиб кетаётганингизни тушингизда кўрсангиз — яқин вақтлар ичида сиз кутилмаган хабардан қаттиқ ҳаяжонга тушасиз ёки кўрқиб кетасиз.

Қудуқда юлдузни кўриш — бундай туш сизнинг шубҳасиз, омад эгаси, нима ўйласангиз ўша рўёбга ошишидан дарак беради.

Агар тушингизда қудуқ кавлаётган бўлсангиз, демак, сиз ҳақиқий бойликни қидираётганингизни билдиради.

Қудуқда лойқа сувни тушда кўриш — буни касаллик ва ҳаётий қувватни йўқотишга йўйиш мумкин.

КЕМА

Кема — янги ва бахтли ҳаёт бошланиши белгиси.

Тушда олтин елканли ёки бошқа безаклари бор кемани кўриш — туш кўрувчи яшаётган мамлакатда бахтли давр бошланганлиги белгисидир.

Оқ елканли кемани тушда кўриш — сизнинг мамлакатингиз ҳаёти шимолдаги қудратли ва гуллаб-яшнаётган давлат билан узлуксиз боғлангандагина бахт келтиришини билдиради.

Қизил рангдаги кема тушга кирса — бу бахт-саодатга эришиш ва фаровонликка етиш йўлида қонли тўқнашувдан далолат беради.

Эски, бузуқ кемани тушда кўриш — бу белгида бахт-саодатга ишониш бекордир, тақдирни бошқа мамлакат билан боғлаш ёки она-ватанда сиёсий вазиятни ўзгартириш кераклигидан шоҳидлик беради.

Агар ёнаётган кема тушингизга кирса — бу тўсатдан тинчликнинг бузилиши, уруш эълон қилиниши ёки кучли табиий офат туфайли туш кўрувчи яшаётган мамлакатда узоқ вақт ҳаётнинг ёмонлашиши, кўп қайғу ва алам етишининг белгисидир.

Кеманинг портлаганини туш кўриш — бу дунё миқёсидаги ҳалокатлар — коинот жисмлари билан тўқнашув, экологик тангликнинг келиб чиқиши, ядро урушининг рўй бериш аломатидир.

МУШУК

Мушук — ёвуз кучлар, жодугарлар, уй шинамлиги, муқаддас нарсалар, омад тимсоли.

Кўча бўйлаб шаҳар томон кетаётган йўл-йўл мушукни тушда кўриш — бундай туш юқоридан донишмандлик олиб келадиган улуғ инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида дарак

берадиган мушук ёки бошқа жонивор тўғрисида маълум қилади.

Шер катталигидаги мушукнинг уй остонасида ётганлиги тушда кўринса — тинчлик жониворларга нисбатан ўйланган сиёсатга боғлиқлигини билдиради.

Қизил кўзли қора мушук тушда кўринса — бундай туш 2023 йилни ифода этадиган, қон тўкиш билан якунланиши эҳтимоли бор ёвуз ниятлардан шохидлик беради.

Сичқон терисидан қилинган узун уст кийимдаги мушукни тушда кўриш — 2008 йилдаги воқеалар қасос олишга айланиб, 2011 йилда поёнига етади.

Тушда мушукни тасодифан ўлдириш — 2045 йилда Мисрда ўта хавfli халқаро жиноятчи қўлга тушишини билдиради.

Мушуклар билан тўлдирилган шаҳарни тушда кўриш — экологик ҳалокатдан, қурғоқчиликдан, очарчиликдан далоят беради.

Мушук болалари солинган саватни кўтариб одамлар сафи кузатувида сарой томонга тантанали тарзда олиб кетилаётганлиги тушга кирса — бу ўн йилдан сўнг ҳокимият тепасига жуда кучли ва ҳаракатларига таъриф йўқ киши келиб, унга шундай ҳурмат кўрсатилишидан ва илоҳийлашпирилишидан дарак беради. Бу даврни демократия ва барча соҳаларда мустақил бўлишга эришилган давр деб аташ мумкин бўлади.

Тушда бир гала мушукларнинг катта ишга ташланганликлари кўринса, бу 2018 йилда яхшилик билан ёвузлик ўртасида йирик тўқнашув рўй беради ва бу оилавий ҳаётда ҳамда уй ҳўжалигини юритишда намоён бўлишини билдиради.

Агар йўл-йўлли мушукнинг қопқонга тушиб қолганлиги тушга кирса — бу туш Аллоҳ томонидан берилган, кишининг ўзи ҳам билмайдиган ҳалокат ёки белгиланган жазонинг рўёбга оширилишидан далоятдир.

Кўк кўзли қизғиш-сарик мушукни туш кўриш, Япония анъаналарига даҳл этувчи бемаъни воқеалардан аён этади.

Натижада, бу мамлакат билан ва шу воқеаларга алоқадор давлат ўртасидаги муносабатлар кескинланади.

Хар хил ленталар тақилган мушуклар жуфтлиги тушга кирса – 2047 йилда шундай воқеалар рўй берадики, бунинг оқибатида шу давргача ҳеч ҳамкор бўлмаган давлатларнинг ҳокимиятлари ва халқлари мустақкам бирланади.

Тушда мушукларнинг кумуш идишларга вино қуяётганини кўриш – 2011 йилда машаққат билан ишлаш ва қонунга монанд турмуш тарзи натижасида муваффақиятга ва гуллаб-яшнашга эришилади.

ҚОН

Агар тушингизда ўзингизда қон борлигини кўрсангиз, бу яқин вақт ичида қариндошларингиздан хабар келишидан далолат.

Тушингизда сиз қон йўқотаётган бўлсангиз, бу вақтинча ёлғизликда қолишингизни ва хафагарчилиكنи билдиради.

Кимнингдир қонини тўкаётганлигингизни тушда кўрсангиз, бу сиз учун ғоят муҳим бўлган муаммони ҳал этишда беғамлик қилишингизни билдиради. Ташаббусни қўлга олишингизга тўғри келади.

Агар тушингизда яқинларингиздан бири қон йўқотаётганлигини кўрсангиз, бу сизнинг худбинлигингиз туфайли яқин кишингиз билан ўртангиздаги муносабатингиз бузилади.

Ерга қон тўкилаётганлигини туш кўриш, оғир синовлар, зиддиятлар, кимдир қурбон бўлишидан далолат беради.

КАЛАМУШ

Каламуш жиддийлик, инжиқлик, серҳосиллик, йўқотиш ва омадлар белгисидир.

Агар тушда кемираётган жуда кўп каламушлар кўринса, шундан огоҳ бўлингки, ўнгда агар ерни асраш ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларини пухта ўйлаб йўқ қилиш чораси кўрилмаса, бу очарчиликка олиб келувчи экологик фалокатни келтириб чиқариши мумкин.

Файритабиий гўзал оқ каламушнинг извошда

келаётганлиги тушга кирса, бир қарашда шимолдаги буюк давлат билан келишув осон эмасга ўхшаб кўринишини билдиради. Бундай туш огоҳлантирадики, ташқи томон ҳар доим алдамчи ва дабдабага ҳавас, характер бўшлигини, мурасага мойилликни билдиради.

Тушда одамлар каби кўчада сайр қилиб юрган бир жуфт каламушни кўриш табиат ҳимоячилари томонидан 2020 йилда тирик жонзотлар дахлсизлиги йили деб эълон қилинишидан огоҳ этади.

Каламушлар бошқараётган кема тушга кирса – бу аломат умумий тараққиёт даври бошланишидан олдин, 2066 йилда сув тошқинидан бошланадиган оғир даврни бошдан кечиришга тўғри келишини билдиради.

Одамларнинг каламуш гўшtidан таом тайёрлаётганлигини туш кўриш 2018 йилда инсон учун гоят зарур бўлган дорини яратишга имкон берган тажриба қилинган каламушлар учун уларга чуқур эҳтиром изҳор қилинишини билдиради.

Каламуш думли одамни тушда кўриш бу касаллик ҳақида огоҳ этиб, соғлиғи ҳақида ўйлаб, ҳаёти хавфсизлиги тўғрисида ғам ейиш зарурлигини билдиради.

Тушда каламушларнинг ҳужумга тайёрланаётганлигини кўриш – Буюк Британия томонидан агрессия бошланишидан аён беради.

ШЕР

Шер – басавлат шахс, ҳокимият, тахт тимсоли.

Тушда қафасдаги шерни кўриш, бу ҳал қилувчи паллада саркардаларнинг ўзларини етарли даражада дадил ва қатъиятли тутмасликлари натижасида кучли давлат эътиборига путур етишини билдиради.

Кичкина кучук билан ўйнаётган шернинг тушга кириши бутун умр давом этиб, то бирортасининг қазоси етгунча давом этадиган ҳақиқий дўстлик аломатидир.

Юрагидан яраланган шер тушга кирса, демак, тождор шахс шаънига ҳақорат етказгани учун айбдор ҳаёти билан жавоб беради.

Бир бўлак гўштни еяётган шер билан айиқ тушда кўринса, бу туш тарихий рақибликларига қарамай, Германиянинг Буюк Британия билан иттифоқ тузишидан шоҳидлик беради.

Тушда оч ва ориқ, жуни тўкилган ва ҳолдан тойган шерни кўриш — бу очарчилик ўтган августдан кейин бойликлар нархи ўзгариши даври келиши аломатидир.

Ўлжасини ўраб олган шерлар тўдасини тушга кириши, Ирландиянинг мустақиллик ҳуқуқини фаол ҳимоя қилишда давом этишидан ва бу иш 2003 йилдан олдин ҳаракатсиз нуқтасидан силжимаслиги белгисидир.

Катта каравотда ухлаб ётган шерни тушда кўриш — Европа давлатларининг аҳволини мустаҳкамланиши ва янги валюта — «евро»нинг муваффақият билан устунлик қилишини билдиради.

ОЙ

Ой — яширин ҳукмронлик қилиш, осойишталик, тасодифлик белгиси.

Ой тўлишганлигини тушда кўриш — Ерда ёвуз кучлар ҳукмронлик қиладиган, жодугарлик, афсунгарлик даври бошланадиган вақт келишидан аён этади. Туш кўрувчига бундай туш афсунгар билан учрашишидан, бу унинг тақдирига сезиларли таъсир кўрсатишидан шоҳидлик беради.

Тушда Ойга интилиш, сизнинг қандайдир янгиликка, бошдан кечирмаган воқеаларга интилишингизни билдиради. Эҳтимол, бу туш унчалик узоқ бўлмаган вақт ичида шунчалик ўзлаштирилиб, космик экспедициялар Ойга тез-тез бориб турадиган вақт келишидан ва Ерда яшовчиларга ҳам бориш имкони туғилишидан хабар беради.

Тушингизда сиз кўриб турган Ой ёрқин қизил ёки тўқ қизил рангда бўлса, эҳтиёт бўлишга огоҳлантиришдир, шунингдек, ҳокимият алмашувини билдириши мумкин.

Агар тушингизда Ой ёруғини кўраётган бўлсангиз — ўнгда бартараф этишингиз анча қийин кечадиган, кутилмаган қаршиликларга рўпарў келасиз.

Ой аксини сувда ёки ойнада кўриш тушга кирса, бу

воқеаларнинг кутилмаганда ўзгариб кетишини билдиради.

Тушда бўлакларни кетган Ойни кўриш, бу ўнгда ўз ҳаёт йўлинигишни танлашда руҳан чарчаб, қийинчиликларни кечиринигишни билдиради.

Агар тушинигизда Ой маъбудига сажда қилиш маросимини адо этаётган бўлсаниги, ўз завқинигининг қурбони бўлишни олдини олинг.

ЧАҚМОҚ

Тушда чақмоқнинг ёрқин чақинини кўриш — ўнгда сиз узоқдан кутилмаган хабарни оласиз.

Агар тушинигизда сизга чақмоқ текса, ўнгда вазмин бўлишга ҳаракат қилинг, чунки сизни жанжалга тортишга ҳаракат қилишлари мумкин.

Тушинигизда осмондан шарсимон яшин тушиб келаётганлигини кўрсаниги, бу кинотдан бостириб киришни билдиради.

Шарсимон яшиндан кишилар ўлаётганлигини тушда кўриш — ёмон аломат. Теварак-муҳитни ифлослангирилишни натижасида экологик ҳалокат рўй бериши мумкин.

Агар тушинигизда чақмоқ чаққанлигини кўриб, момақалди роқ овозини эшитсанги, эҳтиёт бўлинг. Балки сизга ўз ҳаётини ўрнинигишни қайта кўриб чиқиниги керак бўлар.

РОҲИБ

Роҳиб — одиллик, вазминлик ва бешавқлик, мўътадиллик, мугаассиблик рамзидир.

Оқ либосдаги монахни тушда кўриш — бу туш черковларнинг умумий раҳбари сайланиши билан шимолий худудлар бирлашинини билдиради.

Роҳибни маст ҳолатда тушда кўриш — умумбойлик ва қувончдан дарак беради.

Кўнги роқ чалаётган роҳиб тушга кирса — бу ташвишли воқеа, давр, ҳокимият, ахлоқий гуноҳ билан боғлиқ кутилмаган мусибатлар аломатидир.

Курул билан урушга кетаётган роҳибни тушда кўриш

жиноятчиликнинг кескин ошиши, ахлоқ-одобнинг пасайиб, жиноятчиликнинг жазосиз қолиб кетиши натижасида инсониятнинг қурол олишга мажбур бўлишини билдиради.

Роҳибларнинг жазоланаётганлигини туш кўриш — ҳаётий ақидалар ўрнига келувчи, ҳолатлардан барча содир бўлаётган воқеаларга қизиқишнинг йўқолиши, келажакдан кўрқув зарбаларига дуч келишни аён этади.

Тушда монахликка қабул қилиш маросимини кўриш — дунёвий ва диний ҳокимиятлар тўқнашуви натижасида черковларнинг вақтинча кучайишини билдирувчи аломатдир.

Экипажи роҳиблардан иборат космик кема тушга кирса, бу Ер аҳолисини қамраб оладиган умумий маънавият белгисидир ва бу диний йўналишни ўзгартиришга олиб келади.

Бошдан оёғигача олтиндан кийинган роҳибни тушда кўриш — бу туш кишилар урушни тўхтатганларидан кейин Ер юзасига ато бўладиган бойлик ва фаровонликдан хабар беради.

СИЧҚОН

Тушдаги сичқонлар галаси — уруш, ўлат, очарчилик белгиси.

Ўлик сичқонни тушда кўриш — моддий қийинчиликларни бошдан кечиришни билдиради.

Агар тушингизда сизга кўршапалаклар галаси ҳужум қилса, ўнгингизда даҳшатли ёвузликка дуч келасиз.

Агар кўршапалакларни қўлингизда овқатлантираётганингизни тушингизда кўрсангиз, ўнгингизда хавфли воқеаларни бартараф этишингиз учун сизга сабр, чидам кўрсатишингизга тўғри келади.

ТУН

Тун яхшилик ва ёмонлик тимсолидир.

Тунда кимнингдир овозини эшитаётганингизни туш кўриш, келгусида Ерга буюк инсон келиши аломатидир. Балки уни Аллоҳнинг ўзи юборган бўлиши мумкин. Туш кўрувчига бундай туш унинг экстрасенсорликка қобилияти

борлигини, у одамларга ўтмиш ҳақида ҳам, келажак ҳақида ҳам гапириши ва одамларни даволаши мумкин.

Тунда кимнингдир қиёфасини кўраётганликни тушга кириши, унчалик кўп ўтмасдан сиз ўзингизнинг қилмишларингиз учун пушаймон бўлишингизни билдиради.

Агар тушингизда зим-зиё, юлдузсиз тунни кўрсангиз, бундай туш сиз яшаётган давлатда нотўғри сиёсат олиб борилаётганлигидан ёрқин гувоҳлик беради. Ўша пайтда шу ҳокимият тепасида турган шахс даврида ҳеч нарса ўзгармайди.

Ёрқин, юлдузли тунни кўриш яхши аломат. Бундай туш келажакда бахтли ҳаётдан хабар беради, одамлар Куёш тизимидаги кўплаб сайёраларни ўзлаштирадilar.

Тушда осмонда кўплаб ёруғлик бераётган объектларни кўриш — келажакда кўплаб сайёраларнинг кашф этилиб, унда яшовчи тирик мавжудодлар билан алоқа ўрнатилишидан гувоҳлик беради. Туш кўрувчига бундай туш унинг ғайритабиий киши билан учрашишини ва бу унинг ҳаётига катта таъсир кўрсатишини билдиради.

Агар сизнинг тушингизда совуқ тун кўринса, бундай тушда шундай вақт келадикки, бизнинг сайёрамизга куёш иссиқлиги ва ёруғлиги етишмай қолишидан гувоҳлик беради. Ерда кеча-кундузнинг алмашинуви бўлмай, фақат тун бўлади. Тушда тун киришини кутиб олиш — келажакда сизнинг ёвуз киши билан учрашингиз белгисидир. Эҳтимол, бу вампир бўлар, шунинг учун сиз бу кишидан эҳтиёт бўлмоғингиз керак. Кенг миқёсда бу туш вақти келиб Ерни қора кучлар эгаллайди. Бу даврда кишилар устидан ёвузлик ҳукмрон бўлади.

ВОҲА

Воҳа — серҳосиллик ва мўл-кўлчилик тимсоли.

Музлик ичидаги воҳани тушда кўриш — шимолий мамлакатларда ҳаётнинг яхшиланиш аломатидир. Энг яхши давр декабрдан феврал ойигача бўлади.

Тушда кўплаб турли ёввойи ҳайвонларнинг воҳада

юрганлигини кўриш — табиий бойликларга бой бўлган жанубий мамлакатлардан бири бир қанча ривожланган давлатларнинг эътиборини жалб қилганлигини ва уларнинг ҳар бири ушбу мамалакатда ўз таъсирини ўрнатишни истаётганликларини билдиради.

Хароб бўлиб бораётган воҳани тушда кўриш — бу мавжуд тинчлик-хогиржамликнинг ер қуёш атрофини тўла айланиб бўлгандан сўнг барҳам топиши аломатидир.

Агар тушда воҳа тепасида улкан кулранг булут пайдо бўлганлиги кўринса, бу туш қурғоқчилик ёки бошқа сабабларга кўра ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келувчи табиий офатни аён этади.

Воҳа излаб юрган салибчи-жангчилар тушга кирса, демак, фойдасидан кўра зиёни кўпроқ бўлган ер ресурсларидан фойдаланганлиги учун жорий этилажак солиқдан далолат беради.

ЎРГИМЧАК ТҮРИ

Ўргимчак тўри — чалкашлик, маккорлик, хоинлик, узоқ давом этадиган иш, қабихлик тямсолидир.

Том шифтини бутунлай ўргимчак тўри қоплаганлигини тушда кўриш — касаллик аломати бўлиб, сабабини аниқлаб бўлмайдиган, таххис қўйиш ва дори топиш қийин бўлган кучли бош оғриғи билан боғлиқдир.

Учиб юрган ва қуёшда ярқираб турган ўргимчак тўрининг тушга кириши — бу аломат тушнинг рўёбга оиниши эрта кузга нисбатан талқин этилишини билдиради.

Ўргимчак тўридан чиқа олмаётган киши тушингизга кирса, бу қабул қилинган қонун туфайли ҳамманинг ҳаёт кечирishi оғирлашишидан, бошлаб қўйилган ишлар боши берк кўчага кириб қолишидан ва кўпгина бахтсизликлар келишидан далолатдир.

Либослари ўргимчак тўрини эслатувчи кўплаб кишиларнинг тантана қилаётганликлари тушингизда кўринса — бу кишидаги ҳар қандай либоснинг ўрнини босадиган ва об-ҳаво ҳамда иқлимнинг ўзгарувчанлигига

бардошли енгил газмол кашф этилишининг белгисидир.

Агар тушда ўргимчак тўрига урилиб улкан ўргимчакнинг қурбони бўлаётган бургут кўринса — бу Россияни ларзага солувчи кўнгилсизлик тимсолидир.

Тушда шаҳар тепасини ўргимчак тўри қоплаб, тобора куюқлашаётгани кўринса — бу Япониянинг ҳудудни бўлиш борасида даъволашиш ишларини бошлаб юборишини, бироқ бундан фақат муносабатларнинг кескинлашиб, илгаридан йўлга қўйилган алоқаларнинг бузилишига эришишини билдиради.

ЁНГИН

Ёнгин — ишқибозлик, шаҳвоний истак, тўсатдан ғоя келиши, ўзгариш истаги тимсолидир.

Тушда ёнгинни ўчириш — тўхтатиш қийин бўладиган, олдини олишнинг иложи йўқ уюштирилган ҳаракатда галаёнлар ўсиб боришини билдиради.

Гулхан ёқишда қатнашишни туш кўриш — ҳал қилувчи ўзгаришлар аломати бўлиб, адолатсиз тарзда ифво қилинишдан далолат беради, бундай туш муаммолар ва тартибсизликларни билдиради.

Ёнгиндаги кишини қутқариб қолишни тушда кўриш — узоқ вақт тинчлик бермаган, доимо зўриқишда ушлаб турган ва кўп куч талаб этган фожеали воқеалар натижаси аломатидир.

Хонадаги ёнгинни тушда кўриш — икки томоннинг келишуви билан бўладиган хиёнат тимсоли бўлиб, бу хиёнат натижасида энг кутилмаган саргузапглар, жамиятда кескин ўзгаришлар рўй беради.

Ёнгинда югуриб бораётган от тушга кирса — 2038 йилда аср давомидаги энг кўп никоҳ тузилиб, бу йил кўпгина давлатлар учун аҳоли кўпайиши муаммолари ҳал этилиши бошланган йил бўлиб қолишини билдиради.

Ёнгиндан сўнг қолган кулни кўриш — бу туш турар-жойга эга бўлишни хоҳловчилар истагини таъмин этадиган янги турар-жой лойиҳаси яратилиши аломатидир.

Чақмоқ натижасида пайдо бўлган ёнғинни тушда кўриш — демак, ўз ҳаётингиздаги энг асосий кишини гайриоддий ҳолатда учратишингиз белгисидир.

ПАРВОЗ

Парвоз — яхши туйғу, озодлик, мустақиллик аломати.

Тушингизда учаётганингизни кўрсангиз, ўнгда озодликка ва мустақил бўлишга интиласиз. Тез орада сиз шундай имкониятларга эга бўласиз.

Агар тушингизда парвоз қила туриб қулаб тушсангиз, ўзингизда қийинчиликларни енгишингизга ва муаммоларингизни ҳал этишингизга тўғри келади.

Космик фазода парвоз қилиб бораётганингизни туш кўрсангиз, бу сизнинг ўз хаёлларингизга жуда берилиб, атрофингизда рўй бераётган воқеаларни кўрмаётганингиздан далолат беради.

ПАРРАНДАЛАР

Парранда — интилувчанлик, олдиндан кўра билиш, беқарорлик тимсоли.

Агар тушингизда катта қуш кўринса, бу келажакда Ерга жуда катта метеорит хавф солаётганлигини, натижада, бир қанча шаҳарлар Ер юзидан йўқ бўлиб кетишини билдиради. Агар тушда катта қуш туш кўрувчига яқинлашаётган бўлса, ўнгда ана шу туш кўрувчи яшаётган шаҳар метеоритдан зарар кўради.

Тушда кичкинагина қушни кўриш — Ерда тинчлик ва хотиржамлик ўрнатилиши аломати, уруш ҳам, очарчилик ҳам, қашшоқлик ҳам бўлмайди. Ҳамма одамлар бахтли бўладилар. Бундай туш кўрувчига бахт ато қилади.

Қанотсиз қуш тушингизда кўринса — бу Австралия аҳолисига аниқ хавф солганишдан далолат беради, чунки айнан шу давлатнинг гербида қаноти йўқ қуш — эму туяқушининг тасвири акс эттирилган.

Агар тушингизда парранда «ёввойи» овоз билан қичқираётганлиги кўринса, келажакда қандайдир мамлакатта ваҳшийларнинг ҳужум қилиши хавфи борлигидан

аён этади. Туш кўрувчига бундай туш қаттиққўл раҳбар қўл остида машаққатли ишда ишлашини билдиради.

Икки бошли қора бургутнинг қандайдир ҳайвон билан урушаётганлигини тушда кўриш — уруш хавфи ва ташқи келишмовчиликларни билдиради. Икки бошли қора бургут Россия қудратининг тимсолини билдириши бежиз эмас.

Тушда бошсиз қушнинг кўриниши Россиядаги қайғули воқеалардан далолат беради.

Агар тушингизда овози йўқ қуш кўринса — бу келажакда Ер юзасида жуда қаттиқ қурғоқчилик рўй бериб, сайёрадаги қўшлаб мамлакатлар жабр кўришидан далолат беради.

Тушда темир қушни кўриш — тез орада ноёб самолёт яратилиши аломатидир. Агар темир қуш ерда қўниб турган бўлса, йирик авиа ҳалокатидан далолатдир.

Агар тушингизда камёб чиройли қушни кўрсангиз — бу, сиз фақат ўтмишингиз билан қизиқишингиздан дарак беради.

Агар камдан-кам учрайдиган қуш тушингизга кирса, ўтмишга ўгирилавермай ёки келажакнингизга қарамай, фақат ҳозирги ҳолатингизга бутун кучингизни қаратишингиз кераклигини билиб қўйинг. Фақат шу йўл билан сиз ўзингизга яқинлашаётган қўнғилсизликдан қутилиб қоласиз.

Осмонда учиб юрган бургутни тушда кўриш — тақводорликка ва раҳм-шафқатли бўлишга интилишни билдиради. Обрў-эътиборингиз келажакда сизнинг сохта йўл танлашингизга йўл қўймайди.

Қафасдаги бургутни туш кўриш — ҳокимиятга ва буюклик сари интилишингизни билдиради.

Тушга хўрознинг кириши — жанжал ва низодан аён этади.

Тушингизда сизга хўроз ҳужум қилаётган бўлса, ўнда кимдир сизни низога жалб этишга интиляётганлигидан далолат беради. Бунинг оқибатини таърифлаш қийин.

Агар тушингизда сиз хўрозлар урушишини томоша қилаётган бўлсангиз — ўнда сиз фавқулодда ҳодисанинг гувоҳи бўласиз.

ЖАРОҲАТ

Тушингизда ўз танангизда жароҳат борлигини кўрсангиз — яқинларингиздан бири сизнинг маънавий азоб чекишингизга сабабчи бўлиб қолади.

Агар сиз яқинларингиздан бирини ярадор қилиб қўйганлигингиз тушда кўринса — бу огоҳлантириш эҳтимол, сизнинг душманларингиздан бири ноҳўя кирдикор билан иғво қилади.

Тушда жароҳатни даволаш — ўнгда яхши хабар эшитишдан аён этади.

Тушда ярадор қаптарни кўриш — тинчликка хавф бўлишидан дарак беради.

Агар тушингизда сизни кимдир пичоқ ёки ханжар билан ярадор қилса — ўнгда сохта дўстларингиздан эҳтиёт бўлинг. Уларнинг ёвузона тиллари сизнинг юрагингизга жароҳат етказиши мумкин.

Тушда қон оқиб турган жароҳатни кўриш — ўнгда виждон азобини кечирिशни билдиради.

Қўзилиб кетган жароҳатдан қон оқа бошлаганини тушда кўриш — эҳтиёт бўлиш кераклиги аломатидир. Майиб бўлиш ва йўл ҳалокатидан эҳтиёт бўлинг.

ГҲДАК

Гўдак — умид, келажак тимсоли.

Агар тушингизда гўдакни ҳайвон тишлаб олганлиги кўринса, бу туш келажакда Ерда кўплаб вампир (одамхўр)лар пайдо бўлиб, биринчи навбатда болаларга жиддий хавф солинажатидан гувоҳлик беради.

Тушда ҳомиладор эркак кўринса — бу кўп йиллардан бери эркакларнинг ҳомиладор бўлиб, чақалоқ туғиши тўғрисидаги миш-мишларнинг ҳақиқатда рўй бериши белгисидир. Балки бу ёвуз кучларнинг аралашувисиз содир бўлар, аммо бу ҳақиқат эркакни ва чақалоқни дунёга машхур этади.

Агар тушда ногирон гўдак кўринса — бундай туш бутун инсоният хавф остида эканлигидан, бу хавф бизнинг

атмосферани ифлослантиришимиз оқибати бўлишидан огоҳ этади. Туш кўрувчига бу туш унинг ўзи жуда ёрдамга муҳтож бўладиган одам билан учрашишидан дарак беради.

Йиқилиб тушган аёл қўлидаги иркит болани тушда кўриш — бу туш Ернинг катта хавф остида турганлигидан далолатдир. Келажакда борлиқ мисли кўрилмаган миқдордаги одамлардан заҳарланади ва инсоният қирилиб кетиш бўсағасига келиб қолади. Бироқ ҳалокатли аҳволни ҳеч нарса билан ўзгартириб бўлмайди, деб турилганда ушбу даҳшатли касалликка қарши дорини яратувчи инсон пайдо бўлади.

Агар сизга оёқлари йўқ бола туш кўринса, бу туш Ернинг аниқ хатарда турганлигидан шоҳидлик беради. Атроф-муҳит ниҳоятда ифлосланганлиги боис кўплаб болалар жисмоний нуқсонлар, шунингдек, руҳий камчилик билан дунёга келадилар.

Соғлом, жилмайиб турган болани тушда кўриш яхши аломат. Ниҳоят Ерда саодатли дамлар бошланиб, ер юзида севги ҳукмрон бўлади. Одамлар урушлардан, қапшоқликдан, очликдан кўрқмай қўядилар, чунки кўплаб соғлом чиройли фарзандлар дунёга кела бошлайдилар.

Агар тушда ерда чошиб юрган гўдак кўринса, бу янгилинишни билдиради, янги инсоният аломатидир.

Тушда гўдак илонни сиқаётган ёки ўлдираётган бўлса, бу инсоният ядро уруши хавфининг олдини олиш йўлини топганлигидан аён этади.

Агар сиз тушингизда ўзингизни чақалоқ қиёфасида кўрсангиз, бу сизнинг ҳаётда шундай даражасига етиб келганингизни, энди ўз ҳаётингизни кўриб чиқиб, уни ўзгартиришингиз лозимлигининг аломатидир.

Йиғлаётган гўдакни туш кўриш — ўнгда ўз келажакнингизнинг хатарга дуч келишини билдиради.

Тушингизда ўз фарзандингизни излаётган бўлсангиз, демек, йўқолган умидни топишга ҳаракат қиласиз.

Гўдакни гул юлаётганини туш кўриш—маънавий юксалишнинг аломатидир.

Агар тушингизда гўдакнинг қўлидан ушлаб турган

бўлсангиз, бу қийин аҳволдан чиқиб олишга ҳаракат қилишингиздан далолат беради.

БАЛИҚ

Балиқ — иккиюзламачилик, қийинчиликлар, беқарорлик рамзидир.

Осмондан тушаётган балиқни ёки балиқ ёмғирини тушда кўриш—ёмон аломат. Экологик ҳалокатдан, мусибатдан дарак беради.

Балиқ тутаётганлик тушга кирса — қийин аҳволдан чиқишга уринишни билдиради.

Балиқларнинг тўпланиб қолганлигини тушда кўриш — тақдир ихтиёрига ўзингизни кўпам топшираверманг, йўқса ўзингизнинг имкониятингизни бой берасиз.

Тушингизда учта балиқни кўрсангиз — омадим келди деяверинг.

Агар тушда балиқ еяётган бўлсангиз, қутилмаган, аммо яхши хабар оласиз.

Одам башарали балиқ тушда кўринса — ядро урушидан далолат беради.

Тушингизда бир балиқ бошқа бир балиққа ҳужум қилаётганлигини кўрсангиз — бу, сувости кемасининг ҳужумидан хабардор этади.

Агар сасиган балиқ тушингизга кирса — қутилмаган овозалар туфайли сизнинг эътиборли киши билан муносабатларингиз бузилади.

Тушда жонли карп балиғини кўриш—сизнинг матонатингизни ва бардошингизни билдиради.

ЧИГИРТКА

Тушда чигирткаларнинг галасини кўриш — ер юзидаги мамлакатларнинг бирига чигирткаларнинг ҳужум қилиши ва оқибатда бутун қишлоқ ҳўжалиги экинлари яксон бўлишининг аломатидир. Чигирткалар ҳужуми кўплаб кишилар оч қолиб, ушбу мамлакатни тарк этишларига ва бу мамлакат бир неча йиллар тараққиётдан орқада қолишига сабаб бўлади. Туш кўрувчига бу туш моддий аҳволи барқарор

ҳолатда бўлмаслигини аён этади.

Агар сиз тушингизда чигирткаларни ўлдираётган бўлсангиз, бундай туш сизнинг жуда қийин бир ишни уddaлай олишингиздан гувоҳлик беради.

ШАМ

Шам — ишонч, шинамлик, хаёлпарастлик, ҳиссиёт, таркидунёчилик аломатидир.

Агар тунда дераза олдида шам ёруғи кўринаётганлиги тушингизга кирса — бу, ёшингиз ўтганда навқирон пайтингиздагига нисбатан сеvimлироқ, интизорлик билан кутилган одам бўлишингиз аломатини билдиради.

Кўчада сочилиб ётган мум шамларни териб олаётганлигингиз тушга кирса — дин тарафдорлари оғир иқлимли жойга сургун қилиш билан боғлиқ кулфатдан далолат.

Агар осмондан шам ёруғлиги каби ёруғлик нурланиб турганлиги тушга кирса — кутилмаган ҳар қандай воқеаларни қарши олишга тайёр туринг. Янги билимларни оларкансиз, унинг ёрдамида унга муҳтож кишиларга ёрдам беринг.

Шам билан бораётган маросим қатнашчиларини тушда кўриш — бу шундай хабарки, баҳорда рўй берадиган ва кўпчиликнинг умрига зомин бўладиган ва мотам эълон қилинадиган бахтсизликдан аён этади.

Шам билан ёритилган кўчадан бораётганликни тушда кўриш, бу сизнинг севиб қолишингиз ҳали олдинда эканлигининг белгисидир.

Сон-саноқсиз ёниб турган шамлар ўрнатилган шамдонни совғага олиш — бу туш энг оғир паллада ҳам диний устозингиз сизни ташлаб кетмай, сизга нафақат ўзингизнинг, балки фазовий қувватни ўзингизда мужассамлаштиришга ёрдам бериши аломатидир.

Кўзида ёниб турган шам акс этган бўри тушга кирса, динни ниқоб қилиб олган ва ўзини маънавият курапчиси қилиб кўрсатувчи, бойишга қарор қилган, эзгуликни ниқоб қилиб олиб ҳокимиятга интилизётган кишидан эҳтиёт

бўлишни билдиради.

Қаттиқ шамол барча шамларни ўчираётганлигини тушда кўриш — маънавий юксалиш ва янгиликларга боғлиқ мақсадларни амалга оширишга халақит берувчи ёвузликдан далолат беради.

Шамни ёқишга беҳуда уринаётганлиги тушга кирса — бу ҳар қадамда таъқиб қилувчи ва ноқулай паллада тўсатдан забт этадиган хавфдан шохидлик беради.

КУМУШ

Кумуш яхшилик, Ой тимсолидир.

Тушда бир парча кумушни ердан чиқариб олинаётганликни кўриш — бу туш 2003 йил июлда янги кон очилиб ундан кўп даромад олиншини билдиради.

Кумушдан ясалган кўприкни тушда намоён бўлиши — пулга сотиб олинган шубҳали омад, бирлашма эканлигидан далолат беради.

Ой тасвири туширилган кумуш тангаларни тушда кўриш — бу шу пайтгача номаълум, бироқ анчадан буён Ерға хабар юбориб турган мавжудотнинг ерга ташриф этишидан аёнлик беради.

Кумушга тўла бир қанча сандиқларни тушда кўриниши — пул белгиларининг кўп даражали ислохотидан хабар беради.

Кумушни кўкси билан ўраб, қўриқлаб ётган улкан илонни тушга кириши — 2001 ёки 2013 йилда ғоят катта аҳамиятга эга археологик қазилма топилиб, у халқаро аҳамиятга эга бўлишини ва қадимий тараққиёт тарихи дарслигига ўзгаришлар киритилишини билдиради.

Кичкина боғчани кумуш найзалар билан тўсиб қўйилганлигини тушда кўриш — кам ривожланган мамлакатлар ўртасида агрессиянинг ўсиб боришидан далолат беради.

ЧАЁН

Чаён қасоскорликни, буюкликни, маккорликни билдиради. Агар тушингизда сизни чаён чақиб олганлигини кўрсангиз, ўнгда сиз ғийбат ва сохта овозалар қурбони

бўласиз.

Тушга улкан қора чаён кирса — бу катта ўзгаришлардан далолат.

Сизнинг чаён ўлдираётганингиз тушда кўринса, ўнгингизда душманингизни маккорона режаларини барбод қилишга эришасиз.

Агар тушингизда ўзингизнинг чаён буржида эканлигингизни кўрсангиз — бу, воқеаларни сизнинг фойдангизга қутилмаганда ўзгаришларидан далолат беради.

Агар сиз тушингизда хитойликларнинг чаёндан тайёрланган гайри оддий таомини тановвул қилаётган бўлсангиз — ўнгда сиз шундай киши билан учрашасизки, у сизнинг ҳаётингизнинг тўлиқлигини таъминлайди ва унга кўплаб таассуротлар бахш этади.

ФИЛ

Фил донишмандлик, қудрат, баъзи ҳолларда қасоскорлик ва шафқатсизлик тимсолидир.

Агар тушда елкасида юлдузлар мавжуд бўлган фил намоён бўлса, бу Америкада ҳокимиятга республикачилар партияси келишини билдиради.

Агар тушингизда сиз оқ филни кўрган бўлсангиз, демак, ўнгда сиз фойдасиз муваффақиятга эришасиз.

ЎЛИМ

Тушда ўзингизнинг ўлимингизни кўрсангиз, сизнинг янада узоқ яшашингиздан гувоҳлик беради. Агар сизга яқин кишингизни ўлаётгани тушда кўринса, бу ўша кишини узоқ ва бахтли ҳаёт кечиришидан шохидлик беради.

Кўплаб кишиларнинг ўлимини тушда кўриш инсониятнинг узоқ яшашидан далолатдир. Ҳозирги пайтда гапирилаётган охирги замон яна бир неча минг йиллар келмайди.

Дунёдаги жуда муҳим киши ўлаётганлиги тушингизга кирса, бутун дунёдаги бетинчлик ва ғалаёнлардан огоҳ этади. Тўғрироғи, келажакда ҳақиқатдан ҳам жуда юксак мартабали одам тўсатдан вафот этиб, унинг ўлимидан сўнг сиёсий

ҳоқимият учун шафқатсиз кураш бошланиб кетади. Бу кураш катта фуқаролар урушига, ҳатто жаҳон урушига айланиб кетиши мумкин.

Тушда бемор одамнинг вафотини кўриш — унчалик узоқ бўлмаган вақт ичида ХХ аср вабоси ОИТС давоси топилишини билдиради. Ушбу дори туфайли касали юққан кўплаб кишилар ўз дардларига даво топадилар, бирмунча вақт ўтганидан сўнг бу ажал келтирувчи касаллик сайёрамиздан бутунлай йўқ қилинади.

Азобли ажалдан вафот этаётган кишининг тушга кириши ёмон аломатдир. Бундай туш келажақда Чикатило каби одам пайдо бўлиб, фош қилингунга қадар кўплаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлишини билдиради. Туш кўрувчига бундай туш унинг шундай бераҳм, балки одамхўр (моньяк) билан учратишингизни олдиндан хабар беради.

Клиник ўлим ҳолатидаги кишини тушда кўриш таъбири шундайки, келажақда сизни мувозанат ҳолатидан бир неча йилга чиқариб юборадиган ҳодиса рўй беради. Бунда сизга дунёда, мамлакатингизда, шаҳрингизда, ҳатто оилангиздаги ҳамма нарса бефарқ бўлиб кўринади.

ИТ

Ит — садоқат тимсоли, рамзидир.

Дайди итни туш кўриш катта меҳнат ва машаққат билан тўпланган мол дунё 2006 йилда осонгина совурилишидан далолат беради.

Умуман оппоқ катта кучук тушга кирса — бу, қишда, шимолий давлатлар саноатида ва турмуш даражасида аҳволнинг ёмонлашиши аломатидир.

Оёғида уйқудаги илон ётган итни тушда кўриш 2001 йилда ҳеч ким кутмаган ва ҳеч ким олдиндан билмаган иттифоқ тузилишидан, унинг узоққа мўлжалланиб ит каби садоқатли ва илон донишмандлиги сингари самарали бўлишидан дарак беради.

Ит қиёфасидаги одам тушга кирса, бу қор одамга ва унинг яқин қариндошларига тааллуқли янги кашфиётлар

белгисидир.

Кит билан мунозара олиб бораётган итни тушда кўриш — янги қонун асосида жаҳонда ҳақиқий мувозанатнинг вужудга келишига ёрдам берадиган энг кучли ўлим келтирувчи қуролнинг қўлланилишидан аён этади.

БОЙҚУШ

Тушда бойқушни кўрадиган бўлсангиз, бу келажақда сизни жодутарлик илмини мукамал эгаллаган киши билан учрашиш кутаётганлигини билдиради. Агар тушингизда кўп бойқушлар кўринса, бундай туш вақти келиб Ер юзасида қора кучлар ҳукмронлик қилишидан гувоҳлик беради.

Тушда бойқушни ўлдириш — бу, ўнгда сизнинг ёвуз киши таъсиридан қутилишга эришишингизни билдиради.

Агар тушингизда бойқушнинг овозини эшитсангиз — бу ёмон аломат. Бундай туш келажақда сизга жуда кўп қайғу келтирадиган даҳшатли хабар олишингизни аён этади.

ҚАМОҚҲОНА

Қамоқхона эркисизлик, одамовилик ва ёлғизлик тимсолидир.

Тушда ўзингизни қамоқхонада тутқин ҳолатда кўрсангиз, демак, ўнгда сиз ўйлаганларингизни амалга оширишга халақит бераётган бир қанча тadbирлар таъсиридан чиқа олмаяпсиз.

Агар сиз тушингизда қамоқхона ойнасидан қараётган бўлсангиз, яқин келажақда сизнинг ёнингизда шундай одам пайдо бўладики, сизнинг устингиздан чексиз ҳукмронлик қилиш эҳтимоли мавжуд.

Сизнинг қамоқхонадан чиқишга уринаётганлигингиз тушда кўринса, бундай туш шошилинич қарорингиз оқибатлари ҳақида огоҳ этади.

Агар сиз тушингизда қамоқхона панжараларини бузаётган бўлсангиз, бу ўзгалар таъсиридан қутилиш учун урунишингиздан далолат беради.

Тушингизда яқинларингиздан бирини қамоқда ўтирганлиги намоён бўлса, демак, сиз ўз яқинларингизнинг

ишончини ҳаддан зиёд сунистеъмом қиляпсиз.

Кимнидир қамоқхонадан озод этиш — ўнгда сиз зудлик билан ёлғизлик муаммосини ҳал этишингиз кераклигини билдиради.

АСАЛАРИ ҚУТИСИ

Тушда асалари қутисини кўриш — бу яқин келажакда сизнинг кўплаб қийин ҳал этиладиган муаммоларга дуч келишингиз аломатидир. Агар тушингизда бир қанча кишиларнинг асалари қутисини кўздан кечираётганликларини кўрсангиз, бундай туш унчалик узоқ бўлмаган вақт ичида сиз яшаётган давлат ҳокимиятига жуда доно кишилар келишидан, бироқ уларга мамлакатни инқироздан чиқариш учун анча вақт керак бўлишидан шоҳидлик беради.

Асалари уяларини ўз қўлингиз билан ясаётганлигингиз тушда кўринса — ўнгда йўлингизда пайдо бўлган тўсиқларни осонлик билан бартараф эта оласиз. Тушингизда кимнингдир уя ясаётганлигини кўрсангиз, бу келажакда сизнинг ҳаётингизда катта таъсир кўрсатадиган жуда кучли одам билан учрашишингизни билдиради.

Тушингизда асалари уясига қўлингизни тикаётганлигингизни кўрсангиз — кўнгил совушидан далолат. Бундай туш келгусида сизнинг яқин кишиларингиздан кўнглингиз қолишидан гувоҳлик беради. Балки, ўша, сиз ҳозиргача ўзингизнинг энг яхши дўст деб ҳисоблаб келган одам, аслида ёвуз, ҳасадгўй бўлиб чиқади.

Тушда асалариси умуман йўқ уйни кўриш — жиддий йўқотишга ишора. Эҳтимол сиз жуда қимматли нарсангиздан айрилиб, бундан қаттиқ қайғурасиз.

МАШЪАЛА

Машъала — инқилоб, янгиланиш, ўзгаришлар, маориф тимсолидир.

Тушда ўзингизни қўлингизга машъала тутган ҳолда кўриш — яқин вақт ичида сиз диққат марказида бўлишингизни ва ниҳоят ўзингизнинг диққатга сазовор режаларингизни амалга ошириш имкониятига эга

бўлишингизни билдиради.

Ёнаётган машғалали кишиларни тушда кўриш — изтиробга тушиш ва ички зиддиятлар аломатидир.

Агар тушингизда ўчган машғалани кўрсангиз, демак, ўнгда ўз режаларингизни амалга ошириб бўлмаслигидан хафсалангиз пир бўлади.

Йиқилиб тушган машғаладан ёнғин чиқиши инқилобдан далолат беради.

Тушингизда ўз йўлингизни машғала билан ёритиб бораётган бўлсангиз — демак, сизнинг донолигингиз ва ҳаётий тажрибангиз туфайли энг қийин вазиятлардан чиқиб кета олишингизни билдиради.

Агар тушингизда қўлингизда машғала билан китоб олдида турганингиз кўринса, олдиндан қилинган башоратнинг тўғрилигига гувоҳ бўлишингиздан аёнлик беради.

Тушда машғалани сиқиб ушлаб турган қўлни кўриш — ўнгда ўзгалар таъсиридан чиқишга уринишингизни ва доимо озод бўлишни хоҳлашингизни билдиради.

БУҚАЛАМУН (ХАМЕЛЕОН)

Тушда буқаламунни кўриш — бундай туш келажакда бутун дунёда ўзгаришлар рўй беришидан огоҳ этади. Бу ўзгариш бутун бир давлат билан бир қаторда айрим кишиларга ҳам гааллуқлидир.

Агар тушингизда буқаламуннинг ўз тусини ўзгартираётганини кўрсангиз — бу, келажакда бир қарапда йирик ва фойдали ишни сизга таклиф қилишларидан гувоҳлик беради. Бу туш сизга мазкур ишда қатнашмасликни, акс ҳолда барча мол-мулкингиздан айрилишингизни билдиради.

Тушда субутсиз киши билан учрашиш — бундай туш айни пайтда сизнинг муҳим ишга қўл урмаслигингизни, чунки сиз бундан келажакда қаттиқ афсусланишингизни огоҳлантиради.

ЧЕРКОВ

Черков — маданий юксалиш, маънавият, озодлик тимсолидир.

Тушда олтин гумбазли оппоқ черковни кўрсангиз — мамлакатда маданият, унинг ахлоқий ва маънавий асослари гуллаб-яшнашидан, умумий бирлашишидан далолат беради.

Вайрон қилинган черков тушга кирса, бу касалликни, маънавий азоб чекишни билдиради.

Агар тушингизга сизнинг черков хизматида иштирок этаётганингиз кирса, ўнгда виждон азобини бошдан кечирасиз.

Черков қураётганликни туш кўриш — сизнинг интилишларингиз ва билимларингиз юз карра муносиб тақдирланишига ишора.

Тушда черковни илон ўраб ётганлигини кўриш — ёмон аломатдир. Бу инсониятга таҳдид, чунки бутун инсоният бойликлари ёвузлик томонидан яксон қилинади.

Агар тушингизда черков эшигига қулф осиглиқ турганлигини кўрсангиз — эҳтиёт бўлинг! Сизнинг одамовилигингиз ва ёлғизликка мойиллигингиз сизга қадрли ва яқин кишини сиздан узоқлаштириши мумкин.

СОАТЛАР

Тушингизда қадимий соатларга қараётганлик — келажакда сизнинг ўтмишдаги хатоларингиздан қаттиқ пушаймон бўлишингизни билдиради. Балки бу тушда сизнинг аждодларингиз қилган хатолари учун хижолат бўлишингиз аломатидир.

Девор соатининг тушга кириши — келгусида олдингизда бутун ҳаётингизни тубдан ўзгартириб юборадиган нимадир турганлигини билдиради.

Агар тушингизда қўл соатини кўрсангиз, бундай туш ўйлаб қўйганларингизни рўёбга ошириш учун вақтингиз етмаслигини аён этади. Эҳтимол, сиз яшаётган давлат раҳбари ўз ислоҳот ва лойиҳаларини амалга оширишга улгурмаслигини билдиради.

Тушда циферблати йўқ соатдан вақтни аниқлашга уринаётганликни кўриш — ёмон аломат. Сиз билан рўй берадиган воқеалар одатдагига ўхшамайди ва шунинг учун ҳам сизнинг қаттиқ кайфиятингизни бузади.

Соат чиқиллашини тушда эшитиш — яқинларингиздан бири сизнинг ёрдамингизга жуда муҳтожлигидан шохидлик беради. Қанча тез ёрдам кўрсатилса, шунчалик яхши бўлади.

ОДАМ

Қояда ўтирган одамни тушда кўриш, узоқ келажакда туш кўрувчи ҳаётида мисли кўрилмаган воқеалар рўй бериб, унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборишини билдиради.

Тушда ёвуз, зўравон кишини кўриш, бу ҳокимиятга зolim одам келиб, Ер юзасига уруш, очлик ва қашшоқлик олиб келиши аломатидир.

Агар тушингизда қашшоқ одам кўринса, келажакда сиз катта кўнгилсизликка дучор бўлиб, натижада, бугун мол-мулкингиздан, бошпанангиздан ва содиқ дўстингиздан ажралишингиздан далолатдир. Агар сиз тушингизда бир талай қашшоқни кўрсангиз, бу кўпгина ҳалқлар қашшоқликда ҳаёт кечиришини билдиради.

Бадавлат кишини тушда кўриш — яхши аломатдир. Сизни яқин кишиларингиз даврасида кам-кўстсиз ҳаёт кутади. Агар тушда кўплаб ўзига тўқ одамлар намоён бўлса — бутун дунё халқларининг бахтиёр ҳаёт кечиришига ишора.

Агар тушингизда ярадор кишини кўрсангиз, бу демак, сизга яқин кишилардан бирининг нафақат уй-жойидан, моддий бойликларидан, оиласидан ажралиши, балки ўзининг ҳам жиддий жароҳат олишини аён этади.

САНА

Сава ифода этилган тақвимни тушда кўриш — ушбу кўрсатилган санада туш кўрувчи билан даҳшатли ҳодиса рўй беради.

Тушда қандайдир ҳисобларни амалга ошириш — сизга қарши ўйланган ёвузликни бартараф этишнинг улдасилан чиқишингиздан гувоҳлик беради.

ШАР

Тушда Ер томон учаётган оловли шарни кўриш — бундай туш келажакда Ерга уни вайрон қила оладиган катта метеорит хавф солаётганлигидан хабардор этади. Бундай туш кўрувчини бахтсизлик кутади.

Агар сизга Ер шари тушда кўринса, бу туш бизнинг сайёрамиз хавф остида эканлигини аён этади. Бинобарин, бу хавф ташқаридан келмайди, у кишиларнинг ўзидан вижудга келади. Гап шундаки, сайёра аҳолиси бизнинг нозик юлдузда яшаётганлигимизни ва ҳаётнинг ўзи бизга юксак даражада бахш этилганлигини унутиб қўйганлар. Ҳар бир мамлакат, ҳатто ҳар бир киши назарида ўзини ўзгалардан кучли ҳисоблаб, буни ҳаммага, қурол ва куч ёрдамида ўзининг устунлигини бутун дунёга кўрсатиб қўймоқни истайди.

Тушингизда улкан қора шарнинг Ерга яқинлашаётганлигини кўриш — Ерга экологик ҳалокат хавф солаётганлигини ва бу турли заводлар ҳавони заҳарлаётганлигини, у ташланаётган чиқитлардан вужудга келишини билдиради. Шундай вақт келадикки, Ерни кулранг булут қоплайди.

Ер юзасида нур таратаётган шарни тушда кўрсангиз, бу туш Ерга бошқа сайёралардан тирик мавжудотлар келиб, ерликлар билан мулоқотда бўлишларини ва уларга кўплаб янги, қизиқарли маълумотларни сўзлаб беришини билдиради. Туш кўрувчига бундай туш келажакда унинг ноаниқ нарсадан қаттиқ даҳшатга тушишидан огоҳ этади.

Тушда оловли шардан қочиб — даҳшатли уруш даракчиси. Эҳтимол, бу кўплаб дунё мамлакатларини қамраб оладиган учинчи жаҳон уруши бўлар. Туш кўрувчига бундай туш мазкур урушда у нафақат кўп нарса йўқотишини, балки ушбу даҳшатли урушда ҳаёт учун эмас, ўлим учун фаол интирок этишини билдиради.

ОЛМА

Тушда катта пишган олмани кўриш — тез фурсатлар ичида буюк кашфиётлар амалга оширилиш белгисидир. Туш кўрувчига эса бу туш келажакда кўплаб кишиларнинг ҳурматини қозонишидан дарак беради. Агар чириган олма тушингизга кирса — сиз шуғулланаётган иш муваффақиятсиз тугашини билдиради.

Олма еяётганлиги тушингизга кўринса — бу сизнинг тақдирингизга катта таъсир этадиган гўзал аёл билан учрашишингизга ишора. Эҳтимол, бу туш, келгусида дунё давлатларидан бирининг тепасига аёл киши келишидан ва у бугун дунёдаги қудратли давлатга айлантиришга муваффақ бўлишидан далолат бераётгандир.

Агар сиз тушингизда жуда кўп олма кўрсангиз, бунда келажакда олма шаклидаги ғалати мева мавжудлиги аниқланади. Бу мева одамларга соғлиқ ва ёшлик бахш этади.

ТУХУМ

Тухум — янги ҳаёт вужудга келиши, тикланиш аломатидир.

Тушда тухумдан қандайдир мавжудотнинг чиқиб келаятганлигини кузатиш — тез фурсатлар ичида сиз Ер юзасида тирик мавжудотнинг пайдо бўлишига гувоҳ бўлиб қолишингиздан далолатдир. Ёш ҳомиладор аёллар шундай туш кўрса фарзандини муваффақиятли туғиб олиш аломатидир.

Тушда ғайритабиий катта тухум топиб олиш — келажакда катта ғайритабиий ҳайвон тухуми топилишини билдиради. Эҳтимол, бу қачонлардир қирилиб кетган динозаврники бўлиб чиқар.

Агар тухумни синдирганлигингизни туш кўрсангиз, бу туш сизни жиноятга қўл уришингизни билдиради. Эҳтимол, қандайдир тирик мавжудотнинг ҳаётига зомин бўларсиз. Агар кимдир тухумни синдирганлигини тушда кўрсангиз, келажакда бераҳмларча қотилликнинг беихтиёр гувоҳи бўлиб қоласиз.

ҚИРҒИЙ

Қирғий — шафқатсизлик, тезкорлик, хавф-хатар тимсолидир.

Тушда парвоз қилаётган қирғийни кўриш — ўнгда жамоатчилик ҳурматини, эътирофини, шарафлашини қозонишни билдиради.

Агар сиз тушингизда қирғийнинг пастга отилиб, ўз ўлжасини тутиб олганлигини кўрсангиз, демак, ўнгда сиз хунук қилмишнинг гувоҳи бўлиб қоласиз.

Агар қирғийнинг ҳужум қилганини туш кўрсангиз, демак, сизга душманларингиз пастқамликдан зарба беришга интилаётганлигидан далолатдир.

Ярадор қирғийни тушда кўриш, демак, дўстларингиз сизга душманлар томонидан ўйланган маккорликларини амалга оширишларига халақит берадилар.

Қирғийни қандай ўлдираётганлигингизни туш кўрсангиз — ўнгда кучли ва маккор душмандан қутуласиз.

Катта, қора қирғий фалокат ва вайроналик тимсолидир.

КАЛТАКЕСАК

Калтакесак — ёвузликни, бераҳмлиқни, зўравонликни намоён этувчидир.

Чиройли калтакесакни туш кўриш — хавfli одам билан келишувда яшаш, чап бериб қутилишни билдиради.

Катта калтакесак тушга кирса — бошланиши ваҳимали бўлиб кўринган нима биландир ёки ким биландир учрашишингиздан дарак беради.

II ҚИСМ ЮЛДУЗЛИ ОСМОН ТИЛСИМЛАРИ

Илми-нужум (астрология) — қадимий фан ва илоҳий санъат, яхлит бир дунёқараш ҳамда дунёни билишнинг ўзига хос шаклларида биридир. Келажакни башорат қилиш ҳақидаги бу билимлар силсиласи ўтмиш ва ҳозирги кун билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, буларнинг барчаси абадиятнинг ялпи жараёнига қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам олис келажакда юз берадиган воқеаларни олдиндан айтиш бирмунча осон. Астрология аниқ-ойдин башорат қилмайди, балки юз бериш эҳтимоли бўлган воқеа ҳақида дарак беради.

Астрология ўзига хос маслаҳатчидирким, инсонда ўз вужудини нохуш таъсирлардан ҳимоя этиш туйғусини шакллантиради, одамдаги ўзига ишонч ҳиссини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бизнинг келажакимиз кўп кўринишли, ҳар бир инсон ва бутун башарият ўзи яшаб турган дунёни қисман ўзгартириш имкониятига эга, зеро, инсонда илоҳий олов учқунлари мавжудким, у ҳаётни бетакрор ва беназир этишга қодир.

Ҳаёт маълум қонунлар силсиласига бўйсунди, астрология эса инсонга унинг мақсадларини билишга имкон туғдиради. У инсонни одам ботинида мавжуд бўлган яширин фазилатларни кашф этиш учун тайёрлайди. Инсоннинг ҳур хоҳиш-иродаси одам тақдири ҳамда унинг ҳаётида юз беражак воқеаларни азал-бошдан пешонасига ёзиб қўйилган қисмат билан ғаройиб тарзда ўзаро боғланади. Келажакни билиш мақсадида толенома тузилади.

Толенома — геометрик чизма бўлиб, у сайёраларнинг, юлдузли осмондаги Ой ва Қуёшнинг уфққа нисбатан жойлашувини, инсон (шаҳарлар, мамлакатлар)нинг бунёд бўлган вақтини зикр (лаҳзалари қадар) кўрсатиб беради.

Толенома самовий жисмларнинг жойлашувини кўрсатувчи ҳандасавий шакллар битилган илоҳий доирадирким, у тасаввуримизга сифмаган бизни ўраб турган оламнинг айрим қонунларини идрок этиш, имкониятини беради. Одам боласи ёруғ оламга келганида,

энг аввало, юлдуз шуълаларининг кучли таъсирини сезади. У шуълалар одамнинг келгусидаги рухий ва жисмоний жиҳатдан шаклланиш кодларини унинг ботинига жо этади. Бундай толенома ёрдамида одам ҳаётининг мушкул ва пешонасига ёзилган (ҳатто ўлим хавфи туғдирувчи) ҳамда мақбул даврлари ҳақида, умрининг қай даврларида жуда эҳтиёткор бўлиши ва қатъий қарорларга келиши хусусида башорат қилиши мумкин. У инсон феълидаги қирраларни, нималарга мойиллиги, ўз ижодий кучларини нималарга сарф этиши кераклигини аниқлашга ёрдам беради. Ҳар бир одам ҳақида 12 та толенома тузиш мумкин, чунки инсон турли оламларда, турли ҳолатларда турлича намоён бўлгувчи кўп ўлчамли мавжудотдир. Толеномадан ташқари одамнинг ердаги ҳаётини акс эттирувчи шахсий космограммасини ҳам тузиш мумкинким, коинот нуқтаи назаридан инсоннинг нималарга қодир эканлигини ўз ичига олади. Аслида толеноманинг мақсади ердаги мавжуд шарт-шароитларда инсонда мужассамлашган фазилатларни аниқ кўрсатишдан иборатдир.

Баъзи бир раҳмдил, куйинчак ва меҳнатсевар инсонларнинг ҳаётда ҳеч омадлари келмайди. Астрология бундай ҳолатни «руҳнинг кўчиши» дея аталмиш фалсафий қарашлар орқали тушунтиради. Қарма қонунига кўра, инсон дунёга келган кундан эътиборан бошдан кечирган воқеалар унинг аввалги ҳаётида юз берган воқеаларга боғлиқ. Инсон ҳаётида (инсон жисман ўлгач, унинг руҳи бошқа вужудда яшай бошлайди, зеро, руҳ абадийдир) аниқ яқун ясалади. Инсоннинг хуш ёки нохуш қисмати — унинг ўзи аввалги ҳаётида содир этган ишларининг оқибатидир. Худди мана шу фаразия астрологларга нима учун бир кишининг тақдири яхшию, бошқа бирининг қисмати аччиқ эканлигини англашга ёрдам беради.

Инсон дунёга бир карра келмайди: инсоннинг қай тарзда ўлганлиги ҳам, қай тарзда яшаганлиги ҳам, шунингдек, фарзандларининг қандайлиги ҳам унинг руҳи илгариги ҳаётда қандай бўлганлигига боғлиқ. Агар инсон гўдаклик чоғидаёқ вафот этса, бу — илгариги ҳаётда мазкур гўдак руҳи билан яшаган Вужуднинг гуноҳлари учун

тўланган товон ҳисобланади. Қарма қонуни шуни гаъкидлайдики, инсон қай тарзда ҳаёт кечирса, қай тарзда вафот этса (ўз ажали биланми ёки бахтсиз ҳодиса туфайлими), бу унинг кейинги ҳаётида ўз аксини топади. Агар руҳ илгари паноҳ топган вужудлар нечоғлик кўп беажал ўлган бўлсалар, руҳ кейин паноҳ топган вужудлар ҳам ўшанчалик ажал топишга маҳкум. Шунинг учун ҳам баъзи инсонлар гўдаклик чоғидаёқ ҳаётдан кўз юмадилар. Қарма худди шу тарзда қайта тикланади ва инсон, аниқроғи унинг руҳи янги вужудда яшашда давом этади.

Ўрта асрларда улуғ астрологлар ҳаётга фатализм (Фатума — тақдирнинг муқаррарлиги) нуқтаи назаридан қараганлар. Ҳатто улуғ фаранг башоратчиси ва табиби Мишель де-Нотрдам Нострадамус (1503—1566 йиллар) ҳам ашаддий фаталист бўлган. Нострадамус 2242 йилни ўз ичига олган келгуси даврлар (1555 йилдан 3797 йилгача, яъни қиёмат қойимга қадар) ҳақида фикр юритади. Нострадамус башоратларининг амалга ошиш эҳтимоллиги 95 фоизни ташкил этади. У қарашларида Коинотнинг бир зарраси бўлиши инсон ўз тақдирини ўзгартириши мумкин, деган кўҳна диний таълимотлардан юз ўгиради. У толеномада акс этган одам тақдирини ҳеч бир қудрат ўзгартиролмайди, дея фикр юритади.

Нострадамус Наполеон I нинг қисматини қуйидагича башорат қилганди:

1794—«Италия яқинида туғилар сипоҳ,

Империя жўшқин ўлкани қамрар!

Аскарлар қонига бўялар жангтоҳ

Беҳуда жангларда сени деб, аждар!

Фаранг қиролларин олий тахтини

Жангари бир аскар эгаллаган кез,

Ҳеч қудрат кесолмас унинг шахтини,

Бугун Оврупони забт айлагай тез.

Ёвқур аскарларин оғир қадами

Шарқий ҳудудларга бориб етажак.

Сўнгра у ортига қайтар ва холи,

Кимсасиз оролда вафот етажак».

Соҳибқаромат қуйидаги тилсимли тўртлигида XX аср

ҳақида шундай дейди:

«Йигирманчи аср — шафқатсиз, оғир,
Икки уруш. Ўзбошимча қуллар ҳукмдор.

Узлатда қон ютар илму фан сағир,
Даҳрийлик худолар яратар беор».

Шунингдек, М. Нострадамус Венанинг турклар томонидан қамал қилиниши (1529), Япониянинг португалияликлар томонидан (1546), Канаданинг фаранглар томонидан кашф этилишини (1535), Вафоломей тунини (1546, Григориан тақвимининг татбиқ этилишини (1582), Г. Галилей таълимотини (1606), термометрнинг Людовик XIVнинг ҳукмронлигини (1643—1715), И. Ползунов томонидан буғ машинасининг яратилишини (1763), АҚШ мустақиллигини (1776), ҳаво шарининг яратилишини (1795), Наполеоннинг мағлубияти ва Москвадаги ёнғинни (1812), дастлабки темир йўлнинг қурилишини (1825), телеграфнинг кашф этилиши (1844), янги — марксизим-энгельсизим фалсафасининг туғилишини (1848—1859), динамитнинг кашф этилишини (1867), Сувайш каналининг бунёдга келтирилишини (1896), электр лампочкаси (1873), телефон (1876), Рентган нурларнинг кашф этилишини (1895), ака-ука Райтлар томонидан биринчи самалётнинг бунёд этилиши (1903), кимёвий қурулнинг пайдо бўлишини (1907), Болқон урушини (1912-1913), биринчи жаҳон урушини бошланишига баҳона бўлган воқеа — Австрия эрцгерцоги Франц Фердинантнинг ўлдирилишини (1914), Россияда октябрь тўнтарилиши (1917), телевидениaning пайдо бўлиши (1925), дастлабки овозли кинофильмнинг пайдо бўлишини (1927), улкан иқтисодий тангликни (1929—1933), Олмонияда миллий социалистлар ва Гитлернинг ҳокимият тепасига келиши ҳамда унинг саломлашишдаги имоҳаракатларини (1933), Испаниядаги фуқаролар урушини (1936—1939), иккинчи жаҳон урушининг бошланиши (1939), атом бомбасининг яратилишини (1945), инсоннинг илк бор фазога училишини (1961), америкаликларнинг Ойга илк бор қадам қўйишларини (1969) ҳам башорат қилганди. Фашизм ҳақида Нострадамус шундай деганди:

«Улкан афсонага алданар эллар,

Ва у келтиргайдир кулфату офат.
Қора кучлар қазган чоҳига кулар,
Йиртқишлар зулми бормас узоққа».

Нострадамус XX асрда самодан ақлли мавжудотлар ташриф буюришини, ракеталарнинг фазога бот-бот учирилиши оқибатида юз беражак об-ҳаво аномалияси ва тошқинларни, янги касалликлар пайдо бўлишини, раққа қарши дорининг кашф этилишини, қора (кўмир) энергиясининг ўрнини оқ (атом) энергия эгаллашини ҳам башорат қилганди. Улуғ башоратчи сўнгги юз йилликларда яратилган сув ости кемалари, самолётлар, водород бомбаси сингари кашфиётларнигина эмас, генерал де Голл, Франко, Сталин, Гитлер, Муссолини сингари шахсларнинг жаҳон сиёсат майдонида пайдо бўлиши ҳақида ҳам олдиндан хабар берганди.

Келажакни башорат қилиш ҳаминша мўъжизали фан бўлган ва шундай бўлиб қолади. Астрология коинот сирларини тушуна бориб, бизни тақдирнинг кутилмаган бурилишларидан воқиф этади ва ўзимизни ўзимиз камолга етказишимиз учун янги йўллар очади.

Юлдузли осмон — сайёралар ҳаракатида намоён бўладиган самовий қонунлар фаолиятини аниқлайдиган энг яхши андозадирки, у орқали ўтмишни ҳам, келажакни ҳам башорат қилиш мумкин. Осмон ёритгичларининг жойлашувига қараб ерда юз бераётган жараёнлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Зеро, қуёш ва бошқа сайёраларнинг ўз жойларини ўзгартириши табиатда, жамиятда ва инсон ботинида юз бераётган воқеа-ҳодисалар билан боғлиқдир. Инсон — Коинот — Табиатдан иборат ягона уйғун тизим мавжуд бўлиб, бунда бирорта ҳам номатлублик йўқ. Коинот қонунларига сайёралар ҳаракати ҳам, одамлар ҳаёти ҳам, табиатдаги жараёнлар ҳам бирдек бўйсунди. Коинотнинг бош қонуни — яхлитлик қонуни, уйғунлик қонунидир. Бу бутун борлиққа тегишли. Ушбу қонунга асосан дунё даврий ўзгаришларга эҳтиёж сезади. Муайян дақиқаларда сифатий ўзгаришлар Коинот қонунларига мос тушмоғи керак, акс ҳолда у жўн, ривожланиш бўйича бир ёқлама бўлиб қолади.

XXI асрнинг буюк буҳрони, яъни бутун башарият бошига тушадиган даҳшатли ағдар-тўнтарлар даври Коинотнинг объектив цикллари билан боғлиқ. Астрология Замин толеномасининг бир қанча даврларини ажратиб кўрсатади. Шулардан бири — Заминнинг ривожланиш даври бўлиб, у 8 миллион йил давом этади. Бу давр қуёш тизимининг Галактикадаги ҳаракати билан боғлиқ. Заминнинг ривожланиш даври 2008 йилда тугайди ва ўтиш даврининг ибтидоси бошланади: ер ўқининг сезиларли ўзгариши, ер юзасининг кескин қўтарилиш ва пасайиши кузатилади, иқлим, ҳайвонот ва наботот олами кескин ўзгаради. Янги турдаги ақлли мавжудотлар пайдо бўлиши эҳтимоли бор.

Иккинчи микроциклда ер ўқи ўз жойини ўзгартиради: Заминнинг айланиш ўқи мураккаб йўлда конус шаклини ҳосил қилади. 12 «буюк» ойни (Коинот ойлари) ўз ичига олган бу давр — «буюк йил» 25920 йил давом этади. Бу цикл юлдузли осмоннинг Заминга нисбатан I «ой» (2160 йил) 30 даражага ёки бир бурж белгисига аста-секин силжиши билан боғлиқ. «Ой» охирида (баҳор тенг кунлиги маросими) даврлар, ижтимоий-иқтисодий тузумлар ўзгариши юз беради.

Фазовий Балиқ даври яқунланиб, яъни замин ўқининг Балиқ буржида жойлашуви ниҳоясига етди. Инсоният икки улкан давр чорраҳасида турибди. 2003 йилда, яъни Қовға даври ўз ҳукмронлигини қўлга киритиб, дунёнинг янгилалиши бошланди ва дунё маданиятига нисбатан янгича қараш аниқланди. Янги даврга тайёргарлик жараёнлари 200 йилдан ошқроқ вақт давом этади. XXI асрда руҳий, моддий ва атроф-муҳит буҳронлари кучая боради. Тадрижий ривожланишнинг кўплаб табиий алоқаларни барбод этган боши берк, ҳақиқатан йироқ бўлган томонлари фош этилади. Бунда энг аввало илмий-техникавий инқилоб айбдор. Инсоният илк манбага қайтмоғи лозим, зеро, дунё тарихи гилдираги спирал бўйича ҳаракат қилади. Аммо янги сифатга ўтишдан аввал Балиқ даври мантиқий тарзда яқунланиши керак.

2003—2008 йиллар — биринчи кoinнот циклининг интиҳоси ҳамда иккинчи давр — буюк турғунлик даврининг ибтидоси ҳисобланади, жонли табиатдаги ахборотнинг миқдорий жамғармаси меъёрига етади. Аксарият одамларнинг хронологик суръати кескин ўзгаради. Одам, ўсимликлар, ҳайвонларнинг биологик маромида адашишлар бошланадики, бу ҳолат инсон ва жонли табиатда турларнинг юзага келишини тезлаштирадиган улкан ирсий мутацияларга сабаб бўлади. Сифат жиҳатидан янги тадрижий ривожланиш жараёни бошланади.

Ўтмиш мутафаккирлари XX аср ҳақида қандай башоратлар қилганлар? Нострадамус шундай деб ёзади: «Инсоният худони унутиб, темир ўйинчоқларга берилиб кетади. Миясиз тентаклар истилоси туфайли инсонлар қалбидаги Аллоҳга ибодат қилиш ҳисси кўз кўриб қулоқ эшитмаган бемаъни туйғу билан алмашинади. Темир қушлар ўкириги бўшлиқларни тўлдиради. Одамлар тилсимли ойна ихтиро этадилар ва у орқали узоқ масофадан туриб бир-бирлари билан мулоқотда бўладилар ва бир-бирларини кўра оладилар. Усти ёпиқ арава-амфибиялар Заминни чулғаб олган темир ўргимчак инлари бўйлаб юришади. «Дўзах олови» ва буг ёрдамида ҳаракатланадиган темир одамлар пайдо бўлади.

Кўшлаб юлдузлар ёруғлик (оптик) кўзлари ёрдамида кашф этилади. Темир ўйинчоқлар кўпайган сайин урушлар сони ҳам кўпаяди, инсониятнинг тарқоқлиги оша боради, у истибдод домида баттарроқ эзилади, одамлар табиатдан тобора узоқлашадилар, ўз навбатида табиат ҳам одамзоддан даҳшатли ўч олади. Ҳаво ва ер заҳарланади, бир қанча денгизлар қуриб қолади, кўллар ботқоқликка айланади».

Эришилган ютуқлар инсонга ёрдам беради, лекин унинг ҳар тарафлама ривожланиши учун имконият бермайди. Дунё маданиятининг ушбу боши берк йўлдаги ривожланиши инсоният ўз манбаларини, қадимий анъаналарини унутиб қўйганлигининг оқибатидир. Худди шу туфайли дунё маданияти илоҳий кучлар юборадиган ахборлар булоғидан бебаҳра қолди. Шунинг учун ҳам инсоният бир ёқлама ривожланишга маҳкум бўлди, илму

фан ҳам жар ёқасига олиб борувчи боши берк кўчага кириб қолди. Одамлар маънавий дунёсининг камбағаллиги даврида техникавий тараққиёт бўрттириб кўрсатилди. Одам кундан-кунга машинанинг қулига айланмоқда. Техникавий қуроолар ёрдамида одамларга зарар етказиш энг хавфли ҳолатдир. XX асрда пайдо бўлган якка ҳокимлик тузумининг панжасида, даҳшатли шайтоний ғоялар қаршисида ожиз қолганимиз бежиз эмас.

Зардўшт таълимотига кўра, инсоннинг табиат билан алоқаси муқаддас ҳисобланган ва атроф-муҳитга: тўрт унсур — сув, ҳаво, ер, оловга зарар етказиш даҳшатли гуноҳ саналган. У инсондаги уйғунликнинг бузилиши руҳ ва танани жароҳатлайдиган касалликларга олиб боришини, ўз навбатида бу ҳолат табиат кўринишларида намоён бўлишини яхши билган. Қадимги шахслар ўртасидаги ва инсон билан табиат орасидаги келишмовчиликлар табиий офатларга сабаб бўлади, дея ҳисобланган.

Ўтмиш башоратчилари бизнинг давримизни қадимда ўхшаши бўлмаган (2,5—3 минг йил олдинги даврни ҳисобга олмаганда) ноёб ва қайтарилмас давр деб атаганлар. XIX—XXI юз йилликлар — якуний давр, Буюк ўтиш давридир. Дунё маданияти тараққиётининг буюк бўсағаси даҳшатли бухронлар ҳамда улкан синовлар билан боғлиқ. Ҳали XV асрдаёқ давримиз ҳақида шундай дейилганди: «Қачонки Балиқ ва Қовға буржлари бир-бирларига туташса, офир замонлар бошланади, одамлар ҳозиргига нисбатан бутунлай ўзгариб кетадилар». Биз ҳозирги дунё маданияти ўз чўққисига чиққан бир пайтда инсоният тарихи манتيқий якунининг бўсағасида турибмиз.

Қадим ўтмишдаёқ («Овесто», «Холдей фолномаси», мил. ав. III—IV асрлар) инсоният таъқиқланган йўлдан бормаслиги ҳақида бир неча марта огоҳлантирилган эди. Нострадамус матнидаги ҳарфлар жойлашувини кодга солиб шундай деб ёзганди:

1944 йилда «Ажал олиб келаётган кўзга кўринмас оловга эрк берилади. Эрталаб учувчи кема иккита соққани қўйиб юборади ва 2 та шарқий шаҳар ёндириб кулга айлантиради. Харобаларда одамларнинг сояси қолади».

Нострадамус Хиросима ва Нагасаки фожеаларини олдиндан башорат қилар экан, фақат бир йилга адашади. Бунинг боиси шуки, бомбалар портлаши арафасида қуёш тутилиши ва қуёшнинг плутон билан қўшилиши (назоратсиз қолган ядро энергияси), ой эса зуҳал билан қўшилиши назарда тутилган эди. Нострадамус, шунингдек, заминнинг жанубий қутбидан бошланадиган даҳшатли хавф— («озон туйнуғи») ҳақида ҳам огоҳлантирган эди: «XX аср охирида ўлат ва бошқа касалликлар юқиб одамларга ёпирилади».

Нострадамус Россия ҳудудида яшаган халқларга салбий ёндашиб, уларни «тартарлар» (яъни «тартар ёки дўзах одамлари») деб атаган. Баъзан у бу ваҳший халқ кўпгина халқларни енгиб, улкан империя тузишини афсус, надомат билан тилга олган.

XVI асрда Нострадамус ўз таассуротини ичига сиғдириб, шуларни ёзганди: «400 йилдан сўнг (яъни XX аср бошида) октябр ойида гиперборийлар (тартарлар) мамлакатада катта инқилоб юз беради. У заминда юз берган тўнтаришлар ичида энг даҳшатлиларидан эканлигини кўпчилик тан олади. Бу тўнтарилиш қуёш билан ой кўп тутилган йилда (1917) содир бўлади, тутилишлар сони 7 та. Заминдаги ҳаётни губор қоплайди.

1918 — Аён кўрмоқдаман, шоҳлар тахтини
Ағдариб ташлайди жоҳил оломон.

Тожларданда баттар хор этар юртни,
Оқлар, қизилларни шафқатсиз ёлғон».

Октябр тўнтарилишининг аниқ суврати Нострадамус томонидан шундай башорат қилинган.

«Янги эътиқод, дер ақидапараст,
Борлиқ шарафлайди буюк ёлғонни.

Эл мулойим йиртқич измидан чиқмас,
Бахт деб уқдирарлар кулфат балони».

Нострадамус яна шуларни башорат қилганди:

Ваҳшийлар давлатида сарой аъёнларнинг аксарият қисми қатл кундасида жон беради». Большевиклар тузумининг биринчи йили ҳақида у қуйидагиларни ёзган: «1917 йилнинг кузи ва 1918 йилнинг қиши тинч кечади. 1918 йилнинг баҳор

ва ёзида улкан ўзгаришлар юз беради, қироллик чўкади ва кучли зилзилалар бошланади, Заминда ҳали ҳеч қачон юз бермаган кулфатлар авж олади». У бошида бир тўртлигида Сталин (Жўгашвили)га шундай таъриф берган:

«Ғоят даҳшатлидир музлару, қорлар,
Ваҳшийлар ўлкасини учинчи шоҳи.
Сарой аёнларини ўзи қатл айлар,
Қариганда қуршар дўзах азоби».

«Фарзандлар оталарга қарши чиқадилар, ибодатхоналар вайрон этилади, одамлар бир-бирларининг гўшгини ейдилар, ҳаёт хувилаб қолади, чор-атрофда фақат даҳшатли воқеалар содир бўлади. Фоҳишабозлик ва қабих маънавий қашшоқликни бағрига олган янги Вавилон қад тиклайди. Бу эса бутун заминнинг изтироб чекишига сабаб бўлади». Инқилобдан кейинги Россия ҳақида Нострадамус мана шундай деб ёзади.

«Арктика бағрига ёмғир-изғирин,
Исёнлар довули ёпириллар бирдек.
Одамлар ҳайвондай ғажир бир-бирин,
Зиндонга айланар аввалги ҳурлик».

«Янги Ксеркс ва Атиллалар бош кўтарадилар, улар дунёдаги энг қонхўр тўдалардан бўлмиш қизил мазҳаб таъсири остида одамларни аёвсиз қира бошлайдилар. Бу шайтоний салтанат атрофидаги кўплаб халқлар бошига кулфат балоси тушади. Мазкур зўрма-зўраки тузумга бардош беришга мажбур бўлган тартария халқи улардан ҳам баттар эзилади. Дунё иккита уруш оловида қовурилади. Агар қодир Аллоҳ ушбу қирғинбарот урушларга чек қўймаганида эди, Куррай заминда одам зоти қолмаган бўларди. Бу ўлкадаги одамларнинг аросатда яшашлари 73 йилу 7 ой давом этади».

Нострадамус яна қўшимча қилади: «Тартарлар ҳали узоқ вақт ўз жароҳатларини даволайдилар, боши берк кўчадан чиқиб кетиш улар учун осон кечмайди». Шунинг учун тартарлар бало-қазолардан тез қутулганларига шукр қилишларига ҳали эрта. «Ҳолбуки, Миррих сайёраси ўз айланишини якунлаётган бўлса-да, ҳамма кўргиликлар қайтадан бошланади. Шимол ерининг одамлари манфур Дажжол Антихрист даврининг оғир юкини ўз елкаларидан

ирғитиб тапшолмайдилар. Зеро, уларни янғидан-янғи кулфат, балолар, изтироблар кутмоқдаким гуллаб-яшнаётган замин кимсасиз сахрога айланиши мумкин. Шайтонга сажда қилган бу одамлар ўз либосларини ўзгартиришга ҳаракат қилсаларда, бунга эришолмайдилар. Аммо кечирувчан қодир Аллоҳ уларга яна раҳм-шафқат қилади».

1702 — «Шимолий денгизда Венеция, боқ,

Ботқоқлик ўрнида шаҳар тиклар қад.

Тартарлар тахтига чиққан мушук-шоҳ

Уруш-яловларин кўтарар баланд».

Бу — ботқоқлик ўрнида бунёд этилган Петербург шаҳри, «мушук-шоҳ» эса мушук қиёфасида тасвирланган Пётр I. Уруш яловлари ҳақидаги ибора эса шведлар билан бўлган Шимолий уруш (1700—1721) ҳақидадир. Нострадамус башорати тўппа-тўғри чиққанлиги кўриниб турибди. Соҳибкаромат Р. Неру ўзи ҳақида башорат қилиб, ўлганимдан сўнг яна 500 йил ўтгач (яъни XX асрнинг 90-йилларида), иккинчи карра дунёга келаман, деганди. Бу инсон ҳам улуг башоратгўй бўлади.

САЙЁРАЛАР АЛМАШИНУВИ

Коинот даврлари ўрин алмашаётган ҳозирги пайт сайёралар алмашинуви давридир. Ҳозир юлдузли осмоннинг биринчи майдонида кўплаб сайёраларнинг тўпланаётгани кузатилмоқда. Бу ҳолат ҳар 480—500 йилда такрорланиб, у сайёраларнинг улкан алмашинуви деб аталади, сайёраларнинг кичик алмашинуви эса ҳар 180—190 йилда такрорланади.

Ҳозирги алмашинув даврида барча олис сайёралар Чаён, Ёй ва Тоғ эчкиси юлдузлар буржида ғужланишяпти. Бу ҳолат Заминдаги улкан жараёнларнинг тезлашаётганида, ижтимоий тузумларнинг тубдан ўзгаришида, дунёнинг ўзгача қиёфа касб этишида ўз аксини топади. Зеро, бутун борлиқдаги ҳодисалар бир-бирига боғлиқдир.

Илгариги сайёралар алмашинувларининг бирида (2500 йил муқаддам) ер шарининг Юнонистондан то Хитойгача бўлган ҳудудини забт этган форс этносининг тантанаси юз берганди. Шундан сўнг юнон тафаккури ва будда

(мил. ав. 623—544 йиллар) ҳамда кунцзи (мил. ав. 551—479 йиллар) фалсафаси гуллаб-яшнаганди. Милоднинг I асрида юз бергани сайёралар алмашинуви эса насроний динининг туғилиши, қадимий Римнинг босқинчилик урушлари, Рим империяси ва антик маданиятнинг гуркираши билан боғлиқ. XV аср охиридаги сайёралар алмашинуви Фарбий Овруподаги уйғониш даврининг муқаддимаси ва Россиянинг мўғуллар истилосидан озод этилиши билан боғлиқ. Шунингдек, бу пайтда жуғрофий кашфиётлар бошланиши: 1492 йилда Амриқонинг кашф этилиши, 1497 йилда португалиялик Васко де Гамо томонидан Ҳиндистонга олиб борадиган жанубий йўлнинг кашф этилиши, 1517 йилда Реформациянинг бошланиши (М. Лютер) XV аср охиридаги сайёралар алмашинувининг энг юқори чўққиси ҳисобланади.

XX асрда сайёралар алмашинуви 1982 йилда бошланди. Лекин қуёш тизимидаги олис сайёралар — Сатурн, Нептун, Плутон, Прозерпина (қуёш теварагида ҳар 500 йилда айланиб чиқадиган 10-сайёра) Чаён ва Ёй юлдузлар буржида 1977 йилдаёқ тўплана бошлаган эдилар. Астрогеография бўйича Чаён буржининг белгиси Ўрта Шарқ (Эрон, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Озарбайжон)ни кўрсатмоқда. Заминнинг худди ана шу ҳудудларида биринкетин сиёсий бўҳронлар бошланди.

1977 йилда Покистонда давлат тўнтариши. Зиё-ул ҳақ Бхуттони маҳв этди.

1979 йилда Эронда. Ҳумайний бошчилигида Ислом инқилоби юз берди.

1980 йилда Ироқ ҳукмдори Саддам Ҳусайн Эронга қарши уруш бошлади. У саккиз йил давом этди.

1979 йилда Афғонистонда икки марта давлат тўнтариши юз берди. Барбак Кармалнинг қўғирчоқ ҳукумати собиқ Иттифоқ қўшинлари томонидан қўлга киритилди.

1979 йилда бундай воқеалар ички бўҳронлари авж олаётган собиқ Иттифоқда ҳам юз бера бошлади.

Дунёда юз бера бошлаган сиёсий янгилинишларни самовий даврлар алмашинуви ҳамда сайёраларнинг улкан алмашинувининг инсониятга таъсири билан изоҳлаш

мумкин. Бу ҳолат 1982 йилнинг 13 ноябрида — собиқ Иттифоқ Леонид Брежнев билан «видолашган» кундан бошланган эди. У агар таъбир жоиз бўлса, режалаштирилгандек вафот этганди. Уни кўмиш маросими фавқулодда вазиятларда кечди, яъни учта аломат содир бўлди. Бу аломатларга ўтмишда яшаб ўтган башоратгўйлар албатта, эътибор берган бўлишарди. Зеро, ҳар бир аломат, белги, тасодиф ҳали бизга маълум бўлмаган қонунларга кўра ўз мазмунига эгадир.

Алқисса, биринчи аломат: улкан империянинг ҳукмдорини қай тарзда дафн этишганди? Тобут тасмадан чиқиб кетиб, қулоқни қоматга келтиргудек шовқин-сурон билан қабр тубига урилганди. Бу — худди ўша лаҳзаларда даҳшатли ажал келтирадиган кучлар пайдо бўлганлиги аломати эди. Иккинчи аломат — тобут ортидан тасмаларни ҳам қабрга ташлаб юборишганди, бу—марҳум ўз сафдошларини ҳам қабрга тортиб кетганлигининг аниқ белгиси эди. Учинчи аломат—Қизил майдонга қайлардандир гала-гала қарғалар учиб келиб, қулоқларни тешгудай қағиллашганида, ҳатто репродуктор овози ҳам эшитилмай қолганди. Ҳаддан ташқари кўп қарғаларнинг ташрифи ажалнинг қўша-қўша келишидан дарак берганди.

Леонид Брежневни дафн этиш арафасида марҳум учун ясалган тобутнинг таги тушиб кетган ва колонналар залида тобутнинг тагини металл пластина билан қоплагандилар. Ўшанда занглаган миҳларнинг тўғри келиб қолганлиги тасодифми? Бу ҳам ўзига хос бир аломат бўлиб, бошқа арбобларни дафн этишаётганда тобутларининг таги тушиб кетмаган-ку. Ҳамма гап шундаки, Леонид Брежневни дафн этиш маросими сайёралар алмашинувининг бошланишига тўғри келиб, юқорида санаб ўтилган фавқулодда ҳолатлар содир бўлганди.

Шундан сўнг «дабдабали дафн маросимлари беш йиллиги», яъни Бош котиблар ва Сиёсий бюро аъзоларини дафн этиш бошланди. Тарих саҳнасини тозалашга киришилди. 1983—1985 йиллар сайёралар алмашинувининг равнақига тайёргарлик йиллари ҳисобланади. Ушбу тайёргарлик 2,5 йил, яъни улкан алмашинув куч тўплаб

олгунга қадар давом этди.

1985 йилда—олис сайёраларнинг бирлашиши юз бераётган пайтда сайёралар алмашинувининг қизгин даври бошланади. Шу йилнинг март ойида Куёш тизимидаги энг йироқ ва сирли Плутон ва Прозерпина сайёраларининг бирлашуви содир бўлди. Худди шу пайтда собиқ СССРда ҳукумат тепасига М. Горбачев келди. Эслатиб ўтмоқчимизки, Плутон (ер ости подшолиги ҳукмдори) назоратдан ҳоли бўлган асов ғалаёнлар ва табиий офатлар (зилзилалар, бўронлар, довуллар, ядро энергияси билан боғлиқ инцидентлар), одамлар бошига кулфат келтирадиган ижтимоий тартибсизликларнинг бошқарувчиси ҳисобланади. Прозерпина (бу сайёрани қайта кашф этилса, алкимёнинг Уйғониш даври бошланади, масалан, «совуқ» ядро синтези) моддалар ёки сиёсий тузумлар, трансмутациялар, қайта қуришларни сифатий жиҳатдан ўзгартириб юбориш билан боғлиқ. Бу икки сайёра ҳар 302 йилда бирлашади. Илгариги бирлашиш вақти Петр I ҳукмдорлигининг бошланишига (1682), Плутон билан Прозерпинанинг унгача бўлган бирлашуви эса Куликово жанги (1380) бўлган вақтда кузатилган.

Айнан 1985 йилнинг март ойида Кремл хўжайинининг ўзгарганлиги туфайли бурилиш жараёни (қайта қуриш) бошланди. Айнан Горбачевнинг ҳокимият тепасига келишида самовий аломатни кўриш мумкин, чунки Қовға буржига мансуб бўлган давлатда Балиқ буржи остида туғилган кишининг ҳокимият тепасига келиши бежиз эмас. Бу воқеанинг юз беришига сабаб шуки, айнан М. Горбачев давлатни бошқараётган пайтда балиқ ва қовға даврлари юзма-юз келади ҳамда балиқ даври мантиқан ва руҳан шу буржга мансуб инсон бошқарувида ниҳоясига етиши, айнан шу инсон ушбу даврга якун ясаши керак эди.

Михаил Горбачев (балиқ) 1985 йилнинг 11 мартада— Плутон ва Прозерпина сайёралари туташадиган пайтда, яъни балиқ даврининг якунланишида ҳукумат тепасига келди. У кучлар тенг бўлмаган вазиятда қовға буржи остида туғилган инсон — Григорий Романовни (7. 02. 1923) биргина овозини ортиқча олиб енгиб чиқди. Бу ҳал қилувчи

овоз Қисқичбақа буржи остида туғилган А. Громико эди. Қисқичбақа юлдузлар буржи балиқ билан бир учбурчакда жойлашган. Лекин балиқ ва қовға даврлари ҳали узоқ вақт бир-бирлари билан юзма-юз келадилар. Масалан, Г. Романов ўрнига ҳаммага маълум бўлган Борис Елцин (1. 02. 1931) келди. У Қовға буржи остида туғилган.

1987 йилда партиянинг расмий тўралари Елцинни камситиб, топтадилар, аммо синдиришга эришолмадилар. 1988 йилда у Москва шаҳридан собиқ Шўролар Иттифоқи депутатлигига сайланди.

Россия Қовға буржига мансуб бўлиб, унинг қўлда иккита идиш бор: биринчи идишда обиҳаёт, иккинчисида эса лойқа сув бор. Агар идишларининг биттаси қолса, сув турғунлашади. Мабодо, қарама-қарши кучлар бирлашса, бу давлат бир текисда ривожланади. М. Горбачев жуда айёр ва сирпанчиқ балиқ сингари барча қалтис вазиятлардан чиқиб кетди. Раиса Горбачева (Тоғ эчкиси 5. 01. 1932), умуман олганда, мамлакатдаги муаммоларда масъулиятдан холи ҳисобланади, аммо унинг туғилган куни Елена Чаушескунинг (Руминия) билан ёнма-ён турибди. Б. Елцин ўз мамлакатини оғир бухрондан қутқариб қололмади, аммо ўзига ўринбосар сифатида учта ёш сиёсатчини тарбиялади.

XX аср адоғидаги сайёралар алмашинувининг аянчли оқибатларидан бири 1986 йилда Чернобил АЭСида юз берган ҳалокат ҳисобланади. Худди ўша йили Галилей кометаси заминга яқинлашган эди (бу ҳақда Хитойда мил. ав. 2 минг йил муқаддам, Юнонистонда эса мил. ав. 1 минг йил аввал хабардор бўлишган), Галилей кометасининг пайдо бўлиши қадимги Рим инқирозга юз тутган (476), Буюк Британия нормандияликлар томонидан забт этилган (1066), 4-салб юриши (1202), турклар Константинополни эгаллашган давр (1453)га тўғри келганди. Кометанинг думи қайси ҳудудларни кўрсатган бўлса, кейинчалик ўша жойларда нохуш ҳодисалар юз берган. Кометалар қадимдан одамларнинг келажаги ҳақида хабар берувчи «аллоҳ белгиси» ҳисобланган.

1986 йилда Галилей кометасининг думи кўплаб сайёралар гўжланган ёй юлдузлар буржини кўрсатиб турарди.

Ёй эса Украина (сигир) учун 8-белги ҳисобланади. 1986 йилнинг 24 апрелида айнан Ёй буржида ой тутилиши юз берди. Ой ўша кунни заминга яқинлашган Плутон сайёрасини тўсиб қолди. Плутон эса табиий офатлар, тийиқсиз энергиялар, айниқса, ядро энергияси билан боғлиқ. Бундай тутилишлар 1945 йилнинг 16 июлида (АҚШнинг Нью-Мексика штатидаги Аламо-гордо саҳросида) ва бошқа улкан портлашлар пайтида содир бўлганди. Ўша пайтда Қуёш Украинага ишора берувчи Сигир буржида эди. Шунинг учун 24 апрелдан сўнг Чернобил ҳалокати содир бўлиши керак эди. Алҳазар, ушбу фалокат 1986 йилнинг 25 апрелидан 26 апрелига ўтар кечаси содир бўлди.

XV асрда яшаб ўтган рус башоратчиси В. Немчин шундай деб ёзганди: «500 йилдан сўнг шайтоний ҳоқимият юзага келади. Ибодатхоналар вайрон этилади, муқаддас китоблар йўқ қилинади, руҳонийлар тириклайин ерга кўмилади. Шоҳлар сулоласи хавф остида қолади. Одамлар бир-бирларининг гўштини ейдилар. 16 та шаҳар вайрон этилади ва қайта тикланади». У XX асрнинг 80-йиллари ҳақида яна шуларни таъкидлаган эди: «Шимолдаги халқлар учта тақиқланган йўл ҳақида огоҳлантириладики, бу йўллардан боришлари асло мумкин эмас, акс ҳолда улар 15 йил давомида оғир балоларни бошдан кечирадилар ва 15 йил мобайнида ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди». Бу учта огоҳлантиришда «қора» йўл тилга олинади. 1986 йилдан бошлаб юқоридаги башорат амалга оша бошлади:

1986 йилда Чернобил — ядро энергияси — миллатнинг тақиқланган йўли. У одамлар бошига бало-офатларни солди.

1988 йилда Қорабоғ (туркчада «Қора тепаликлар»). У Қисқичбақа буржига мансуб. Ҳудудларни бўлиб олиш, қон тўкишлар — 3-тақиқланган йўл бўлиб, одамларни жар ёқасига олиб бориши мумкин.

Айни дамда бутун дунё фазовий даврлар чорраҳасида турибди. Нострадамус бу даврга шундай таъриф берганди:

1989 — «Шимолда юз берар алмашинувлар,

Виждон ҳақда сўранг Сариқ илондан.

Низоларни босар Мушгарий, Зуҳал

Юксакларга ўрлар ўн беш биродар.

«Алмашинувлар» — сайёраларнинг улкан алмашинуви бўлиб, 1982 йилдан 1994 йилгача давом этди. 1994 йилда 3 йиллик галаёнлар ва алғов-далғовлардан сўнг янгиликлар бошланди. Йилдан-йилга техноген маданиятининг «Ўйинчоқлари» бўлмиш қурол-яроғлар, компьютерлар ва шунга ўхшаш нарсаларга бўлган талаб камая боради. Бутунлай барҳам топган собиқ Иттифоқ Тоғ эчкиси белгиси остида ташкил топган эди. Ушбу буржга тоталитар тартиб руҳи, бир мақсад йўлида норизо инсонларни шафқатсиз равишда эзиб-янчиш хосдир. Ўз навбатида собиқ Совет ҳокимияти Чаён буржининг белгиси остида бунёд этилгандики, унга ўз-ўзига найза санчиш ва ўз халқини ямламай ютиш хусусияти хос.

ЯҚИН КЕЛАЖАК ҲАҚИДА БАШОРАТ

1996 йил (Қизил Каламуш йили) — тажриба орттириш ва тайёргарлик йили. Ялпи юксалиш бошланади. 90-йилларда бутун дунёда, асосан собиқ Иттифоқ ҳудудидаги давлатларда руҳий, миллий қадриятлар уйғонади. Россияда ҳукумат тепасига Қовға буржига мансуб янги йўлбошчи келади. У ўз феъли ва имкониятларига кўра Пётр 1 га ўхшаш бўлади, аммо тутган йўли унга зид бўлади. Пётр қадимий анъаналар, урф-одатларни шафқатсиз равишда топтаб Оврупога йўл очган эди. Янги йўлбошчи ҳаракатчан бўлиб, Пётрдан фарқли ўлароқ тиниқ тафаккурли инсон бўлади ва ўз қардошларининг қонини тўкмайди. У ҳукумат тепасида етти йил туради, аммо кўп ишларни амалга оширади.

90 йиллар — Тоғ эчкиси буржидаги Уран ва Нептун сайёраларининг уч томонлама бирлашувидан сўнг иқтисодда дастлабки ютуқларга эришилади. 1996 йилда Уран сайёраси Қовға юлдузлар буржига кирган пайтда янги давр бошланди.

1996—2003 йиллар — Россия (қовға мамлакати) теран ва кескин ўзгаришларни бошдан кечиради. Сиёсий курашлардан сўнг бу юртда атроф-муҳит бўҳронлари, техноген ҳалокатлари юз бериши мумкин. 2003 йилдан бошлаб собиқ Иттифоқ ҳудудида руҳий кўтаринкилик, асл миллий маданиятларнинг гуллаб-яшнаши, узлуксиз ўсиш бошлангандики, бу халқлар, масалан, ҳозир японлар

эришгандек ютуқларни эгаллаб, бутун дунёда ўзларини намоён этадилар. Ушанда одамлар ўз касб-корларини жуда тезлик билан ўзгартира оладилар, фикрлаш қобилиятларини кескин ўзгартирадилар, ўз умрини яшаб бўлган одатларга ёпишиб олмайдилар. Собиқ Иттифоқ ҳудудида миллатчилик муаммоси бутунлай барҳам топади. 2000 йилда Россиянинг жанубий қисмида табиат ва ижтимоий ҳаётда ағдар-тўнтарлар юз бериши эҳтимоли бор. 2010 йилда қора денгиз ўз тубидан юзага кўтарилиб чиқаётган сероводород туфайли ёнғин ичида қолади.

ДУНЁНИНГ КЕЛАЖАГИ

2000 йил — инсоният тарихида ҳали ўтмишда ўхшаши бўлмаган бутунлай янги босқич бошланади. 2003 йилда буюк аёллар ҳукмронлиги даврига қадам қўйилади. Чунки Қовға даврида «эркакларнинг» балиқ давридан фарқли ўлароқ аёллар катта ўрин тутаяди. Аёллар табиатан нозик яратилганликлари учун ҳам келгусида дунё маданиятининг гуллаб-яшнаши уларга боғлиқ бўлиб қолади. Улар ҳар қандай даврда ҳам, айниқса, бурилиш даврларида коинот билан алоқани узмайдилар. ХХI асрда янги матриархат бошланади. Бутун дунёда бўлгани сингари Россияда ҳам, Шарқда ҳам бир қанча буюк аёллар пайдо бўлади.

Аёллардан бирининг ҳукмронлиги тугаши арафасида Улкан тўфон хавфи туғилади. Нострадамуснинг башорат қилишича, 2032 йилда Буюк Британия ҳудудининг бир қисми, Голландия, Дания, Финландия, бошқа мамлакатларининг қирғоқ олди ҳудудлари аста-секинлик билан сув остида қолади, бу жараён 2060 йилларгача давом этади ва шундан сўнг сув босиши тўхтайдди. Аёллар ҳукмронлиги йиллари — 2003 йилдан 2032 йилгача давом этади. 2104 йилдан бошлаб аёллар яна ҳукмронликни қўлга оладилар.

Нострадамус башорати бўйича, 2023 йилда Замин ўз айланиш доирасидан чиқиб кетиши мумкин. ХХI аср ҳақида улуғ соҳибқаромат шундай деганди:

«Йигирма биринчи аср шарҳи шу:
Олис юлдузлардан одамлар келур.
Икки офтоб чиқар жанубдан у кун —
Бири қоп-қорадир бамисли кўмир».

Кейинги юз йилликда — Қовға даври бошланиши билан нур ва зулматнинг ирсий фарқланиши барча жонли маъжудотга ўз таъсирини ўтказди. Ҳаёт тарзининг сонлари ҳаддан ташқари кўпаяди (замин қутбларининг ўзгариши юз беради). Яқин икки минг йил ичида заминда икки ҳолат — биринчи ярим шарда тинчлик, яқинчисида эса уруш ҳукм суради. Иккинчи ярим шарда одамлар, ҳайвонлар ва наботот ўртасида ўзаро қирғинбарот жангу жадаллар авжга чиқади.

Инсонлар ўз руҳий дунёларига қараб икки хил— «олий» ва «паст» (маймунсимон) тоифаларга бўлинадилар. Олий тоифадаги (улуғвор) одамлар хушрўй бўлиб, тери ва сочлари кулранг тусда бўлади. Башариятнинг бир қисми ўзга сайёраликлар билан алоқа ўрнатганлари туфайли кўз кўриб-қулоқ эшитмаган иқтидорга эга бўладилар.

Нострадамус башоратига кўра, 1994—1996 йилларда Ядран (Атлантика) денгизида балиқчилар «одам бошли ғаройиб балиқ» тугадилар. 1998 йилда 3-жаҳон уруши бошланиши хавфи туғилади, лекин хавф бартараф этилади. Аммо XXI асрнинг ўрталарида энергетика уруши бўлиши эҳтимоли бор. Инглиз тили 2012 йилда ўз маъқенини йўқотади, дунё маданиятининг оврупоча тарзига барҳам берилади.

XXI аср бошида қора танли халқлар бош кўтариб чиқадилар. Бу ҳақда Нострадамус шундай деб ёзганди:

«Сокин Африканинг маънос ва унуг,
Қора иблислари селдек қўзғалар.
Тахтларга чиқишар кутмай такаллуф,
500 йилдан кейин янграр илк наъра».

Аксарият астрологлар Нострадамуснинг бир башоратига эътиборни қаратмоқдалар. Унбу башоратнинг маънисини 3-жаҳон уруши эҳтимоли борлигига ёки мўғуллар шоҳи, Янги Чингизхоннинг пайдо бўлиши ва дунё маданиятини ер юзидан супуриб ташлашига йўймоқдалар. Нострадамус шундай деб ёзади:

1999 йил, 7-ой —

«Улуғ қирол «Ангол-муа»ни
Тирилтирмоқ учун... самодан
Ҳайбатли шоҳ тушиб келади
Ва даҳшатли уруш бўлади.
Улуғвор шоҳ Марсдан аввал ҳам,
Кейин ҳам хуш ҳукм суради».

Айтмоқчи, 1999 йилда улкан фазовий воқеа — Қуёш тугилиши содир бўлади: 11. 08. (Юлиан тақвими бўйича 29. 07. 7-ой). Бу пайтда Қуёш тизимидаги сайёралар хоч шаклида жойлашадилар, Миррих билан Муштарий эса бир-бирига қарама-қарши ҳолатда жойлашади. Фарбда астрологлар хочни бутун жаҳон уруши, даҳшатли воқеалар ва ўзгаришлар билан изоҳлайдилар. Ҳақиқатан ҳам ушбу ҳолат улуғвор шоҳ туғилиши ва у «тиниқ тафаккурли» бўлишидан дарак беради. Искандар Зулқарнайн дунёга келган вақтда ҳам сайёралар юқорида айтилгандек тарзда жойлашгандилар.

Сайёралар бир-бирларига қарама-қарши ҳолатда жойлашганда эмас, балки фазонинг бир қисмида гўжлашганларида (гўё булутлар момақалди роқ олдидан тўплангандек) катта уруш бўлиши мумкин. Масалан, 1 ва 2-жаҳон урушлари барча сайёралар қўй буржидан то қисқичбақа буржига қадар гўжлашганларида бошланган эди. 90-йилларнинг охирида Россияда сохта пайғамбар, ундан кейин эса сохта пайғамбар аёл пайдо бўлади.

БУЮК БЎСАҒА

Айни кунда нисбатан яхши яшаётган Фарб мамлакатлари ўпирилиш арафасида турибди. Чунки тезда шундай бир давр келадики, ҳар бир одам ўзидаги бор ички имкониятларини ишга солишга мажбур бўлади, мамлакатларни тараққий эттириш учун на валюта ва технологиялардан фойдаланадилар. У кун фойдали қазилмалар ниҳоясига етган ва табиат аёвсиз равишда топталган бўлади. Дунё маданиятини яхши томонга ўзгартириш зарур бўлади, ахир бухронлар кучайгандан кучаймоқда, инсон эса ўз қалбидаги илоҳий оловни ва бахтиёрлик қонунларини кашф этиш учун яшамоқда.

Фарбда ўзлари бунёд этган фаровонликда яшаётган одамлар дунё маданияти қулайликлари («темир ўйинчоқлар»)дан маҳрум бўлиб қолишса қандай қийин аҳволга тушиб қолишаркин? XXI асрда ҳаётда юз берадиган бухронлар даври ҳар қандай оғир шарт-шароитда ҳам яшашга ўрганган одамлар учун унчалик нохуш кечмайди. Биз 70 йилдан зиёд вақт мобайнида оғир синовлардан ўтган одамлар бухронлар домида ҳам ўзимизни йўқотиб қўймаймиз, табиат қалбига йўл топамиз. Бизнинг қалбимизда ҳар қандай оммавий ёлғонларга қарши иммунитет мавжуд. Эндиликда бизларни бирор нарсага ишонтириш қийин, бирор бир гўзал афсонага ишонтиришга уриниш бефойда, бунинг учун аниқ амалий исбот керак бўлади.

КИМ ОМОН ҚОЛАДИ?

1996 йилда, Уран сайёраси Қовға юлдузлар буржига кирган пайтда табиат инсонга қарши «исён» кўтаради. 1996—2003 йилларда, эҳтимол XXI аср ўрталарига қадар катта фалокатлар, ағдар-тўнтарлар ва иқлимнинг кескин ўзгариши даври давом этади. Бўронлар, zilзилалар, кучли жуғрофий жараёнлар, ҳавонинг совиб кетиши ва қурғоқчиликлар, эпидемия ва сув тошқинлари, сурункали ёмғирлар ва куйдиргувчи шамоллар одамлар бошига оғир кунлар келтиради. Тарихий даврлар алмашинаётган пайтда ғайритабиий ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳодисалар содир бўлади.

Қуёш тизимида улкан ўзгаришлар юз бериши кутилмоқдаки, бунинг оқибатида Нострадамус башорати бўйича «авлодлар сайёраларни кўриш имкониятидан маҳрум бўладилар», 2000 йилда сайёраимизга ўз таъсирини йўқотадиган Ой ва «кўплаб юлдузлар заминга хавfli масофагача яқинлашадилар. Айниқса, иқлимда катта эврилишлар кечади».

Лекин, ушбу нохуш ҳолатлар инсонни келгусида юз берадиган ўзгаришларга тайёрлайди. Аксарият одамлар даврнинг ўзгарганини ўзлари билмаган ҳолда ҳис этадилар, улар вужудида илгари зарурат бўлмаган ғайритабиий

муъжизакор имкониятлар (олдиндан билиш, бўшлик ва вақт билан ҳамоҳанг яшай олиш, телеспатия, телекинез, табиблик) уйғонади. Булар ҳар бир инсон учун хос бўлган туғма хусусиятлардир. Улкан ҳалокатлар даврида бизнинг ҳар биримизда табиат томонидан инъом этилган ҳимоя туйғулари уйғонади.

Бу — улкан ҳодисаларни олдиндан ҳис этишдек бир гап. Инсоннинг худди ана шу мислсиз имкониятлари унинг омон қолишига ёрдам беради. Олимларнинг тахминича эса Заминнинг янги тузумга ўтиши даврида инсониятнинг 1/2—2/3 қисми нобуд бўлиши мумкин. Одамлар илгари ўзлари рад этган машғулотларга қайтишлари зарур бўлади. Ана шундагина биз ўз тараққиётимиз ва ўз-ўзимизни англашимиз учун замин ҳозирлаган бўламиз. Биз яхши ёки ёмон эмас, балки бошқача тарзда яшаймиз.

Келажак одамлари инсонга табиат томонидан ато этилган барча ғайриоддий фазилатларни ривожлантиришга мослашган бўладики, бу—улар учун ҳаётни, бутунлай янги тарздаги ҳаётни давом эттириш учун замин яратади. Ушбу жараён ХХI асрда бошланади ва роппа-роса 2 минг йил давом этади. Юқорида айтиб ўтилган ғайриоддий имкониятлар, айниқса, 1 январ, 19 феврал, 7 апрел, 30 май, 30 июл, 17 сентябр ва 5 ноябрда туғилган инсонларда аниқ намоён бўлади.

Заминда қийинлашиб бораётган шарт-шароитларга мослашаётган янги турдаги одамлардан туғилган келгуси авлодлар ирсий жиҳатдан кучлироқ бўладилар. Ноқулай ва нохуш ҳолатларга мослаша олмаган ҳамда ўзларининг қандай ва нима учун яшаб юрганликларини англаб етмаган, Коинот қонунларини тушунмаган, ўзгарган шароитларда (шу жумладан, сув ва ер остида ҳам) яшашга мослашмаган одамлар ҳатто энг мукамал техникага суянган тақдирларида ҳам худди гирдобга тушиб қолгандек бўладилар. Инсоният бугун қандай бўлса, шундайлигича қолса ва ҳозирги тахлитда ривожланса, унинг ҳалокати муқаррар. ХХI асрда Коинот қонунларини рад этиб яшаган одамларни 10—20 авлод ўтгунга қадар улкан

кўнгилсизликлар кутади.

«Осмон ва Заминнинг ҳудудлари сурилиб, улар иккиси яхлитлашади». Одамлар Коинотга бегона эмасликларини, олис аждодларимиз ўша ёқдан келганликларини англаб етадилар. Тараққиётнинг янги босқичига ўтишимизда бизга техника қудрати эмас, балки оламнинг моддий ва ижодий жиҳатдан янги қиёфа касб этишида Коинотда ишончли саналган руҳ ва тафаккур ёрдам беради. Коинотнинг энг олий қонуни — тадрижий ривожланиш қонуни эканлигини тушуниб етган инсонларгина янги даврга мослаша оладилар. Немис файласуфи И. Кант ушбу қонунни ҳар бир одамда кўрган эди.

Аслини олганда, бу одоб-ахлоқ қонуни бўлиб, ҳар қандай шаклдаги ёвузлик тадрижий ривожланишнинг бузилишидир. Бу фазовий қонунларнинг умумий тизими ҳамда уларнинг одамлар томонидан ёвузлик мақсадларида фойдаланилишидир. Бу— даҳшатли қурол: ахир инсоннинг толеномасини, талъатини ўрганиб олиб, унинг ҳимоясиз ва кучсиз пайтини пойлаб ёмонлик қилиш ҳеч гапмас. Ўша инсонни ўлдиришнинг ҳожати йўқ, чунки унга қандайдир бир фикр мунтазам равишда сингдирилади ва охир-оқибатда ушбу фикр унинг ўз шахсий фикрига айланади. Инсон онгини программалаштириб, унга истаган ишни қилдириш мумкин бўлади. Бундай нохуш ҳолат юз бермаслигининг ишончли кафолати—ўзингизга нима керак ва нима керак эмаслигини билишдир. Сиз шундагина даврга ҳамоҳанг яшай оласиз. Бошқа одамлар эса ер остида, бункерларда истиқомат қиладилар, улар ишончсиз мутантларга, «тўқ сариқ одамлар»га айланадилар. Нострадамус башорати бўйича XXI аср ўрталарида Заминдаги одамлар 3 ирққа бўлинадилар. «Оқиш» (осиёликлар ва овруполиклар), «қора» (ёвузликка мансуб одамлар) ва «тўқ сариқ» (айниган) одамлар. Руҳий ва жисмоний жиҳатдан айнаган одамлар даврдан ажралган ҳолда узлатда яшайдилар ва охир-оқибатда ҳаётга мослаша олмайдиган «морлокларга» (Г. Уэлс) айланиб, ҳалок бўладилар.

ОЛИС КЕЛАЖАК

Улуғ соҳибкаромат Нострадамус башоратига кўра 2123 йилда Замин яқинида «Оқиш юлдуз» деб номланувчи самовий жисм пайдо бўлади. Мамлакатлар ўртасидаги шартномалар ва келишувлар бажарилмайди, кичик давлатлар ўртасида тўқнашувлар бошланади, улар бир-бирларини талаб, маҳв этишгача бориб етадилар. Ўша олис замонларга бориб Оврупо бутунлай бошқача қиёфа касб этади ва яхши томонга ўзгармайди. Бу ерда истиқомат қилаётган халқлар жуда ўзгариб кетади.

2170 йил — Улкан қурғоқчилик кутилади, Инсоният ўзга сайёраларга кўчиб ўта бошлайди.

2170—2250 — Бутун Заминда даҳшатли эврилишлар бўлади.

3797— Нострадамус башоратига кўра — Охир Замон.

Бутун олам ҳалокати 10 минг йилдан сўнг, яъни ер ўқи бўшлиқда ўз ҳолатини бутунлай ўзгартирган вақтида юз бериши эҳтимоли бор. Зеро, илгари содир бўлган ҳалокатлардан олдин ҳам заминнинг опа-сингиллари бўлмиш бошқа сайёраларда ҳам ҳаёт мавжуд бўлган. Масалан, Зуҳро сайёрасида «иссиқхона эффектининг» ортиқча қизиб кетиши оқибатида улкан дунё маданияти нобуд бўлганди. Самовий портлаш Фазтон сайёрасини (Миррих ва Зуҳал ўртасида жойлашган) парчалаб сон-саноқсиз астероидларга айлантириб юборганди. Кўриб турибсизки, Коинотда абадий нарсанинг ўзи йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Б.Раббимқул таржимаси. Нострадамус «Келажак ҳақида башоратлар». Т.: Ёзувчи, 1997 йил.

Нострадамуснинг туш таъбирлари. Интернет материаллари.

МУНДАРИЖА

I ҚИСМ

АСРЛАРНИ КҮРА ОЛГАН САҲИБКАРОМАТ.....	3
ФАРИШТА.....	4
АРМИЯ.....	4
МИНОРА.....	5
ЖИННИ, ТЕНТАК.....	5
БОТҚОҚ.....	6
ЁҒОЧ ИМОРАТ ЁКИ ҒҰЛА ТАХЛАМИ.....	6
ВИНО.....	6
СУВ.....	8
БҰРИ.....	8
ОЧЛИК.....	9
МАҚБАРА.....	9
БАЛЧИҚ.....	10
ЙҰЛ.....	11
ТУТУН.....	12
ЯККАШОХ.....	13
ТЕМИР.....	14
ҲАССА.....	14
МАРВАРИД.....	15
ҚУЛФ.....	15
ЮЛДУЗ.....	16
КҮЗГУ.....	17
ИЛОН.....	18
ТИШЛАР.....	19
ИГНА.....	20
ИКОНА.....	21
КАЛИТ.....	21
ҚУДУҚ.....	22
КЕМА.....	23
МУШУК.....	23
ҚОН.....	25
КАЛАМУШ.....	25
ШЕР.....	26
ОЙ.....	27
ЧАҚМОҚ.....	28
РОҲИБ.....	28

СИЧҚОН.....	29
ТУН.....	29
ВОҲА.....	30
ЎРТИМЧАК ТЎРИ.....	31
ЁНҒИН.....	32
ПАРВОЗ.....	33
ПАРРАНДАЛАР.....	33
ЖАРОҲАТ.....	35
ГЎДАК.....	35
БАЛИК.....	37
ЧИГИРТКА.....	37
ШАМ.....	38
КУМУШ.....	39
ЧАЁН.....	39
ФИЛ.....	40
ЎЛИМ.....	40
ИТ.....	41
БОЙҚУШ.....	42
ҚАМОҚХОНА.....	42
АСАЛАРИ ҚУТИСИ.....	43
МАШҒАЛА.....	43
БУҚАЛАМУН (ЖАМЕЛЕОН).....	44
ЧЕРКОВ.....	45
СОАТЛАР.....	45
ОДАМ.....	46
САНА.....	46
ШАР.....	47
ОЛМА.....	48
ТУХУМ.....	48
ҚИРҒИЙ.....	49
КАЛТАКЕСАК.....	49

II ҚИСМ

ЮЛДУЗЛИ ОСМОН ТИЛСИМЛАРИ.....	50
САЙЁРАЛАР АЛМАШИНУВИ.....	61
ЯҚИН КЕЛАЖАК ҲАҚИДА БАШОРАТ.....	67
ДУНЁНИНГ КЕЛАЖАГИ.....	68
БУЮК БЎСАҒА.....	69
КИМ ОМОН ҚОЛАДИ?.....	70
ОЛИС КЕЛАЖАК.....	74

НОСТРАДАМУС НИМА ДЕГАНДИ? (Оммабоп нашр)

Муҳаррир: М. Мирализов
Мусаҳҳиҳ: М. Ҳайитова
Тех. муҳаррир: Н. Ҳошимов
Дизайнер: А. Курамшин
Оператор: А. Адилев

2.11.2007 йил босишга рухсат этилди. Шартли б.т. 5,0.
Нашриёт б.т. 4,75 Қоғоз бичими: 60x84г¹⁶. «Times Uz»
гарнитураси. Кегель 11 Адади 2000. Буюртма №124.
Баҳоси шартнома асосида.

*Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти тасарруфидаги
«Дизайн-принт» МЧЖ ЎНЧК босмахонасида
офсет усулида чоп этилди.
700100. Тошкент шаҳри, Бобур кучаси 22-уй.*